Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 145 (7. 534) ◆ 1991 йил 30 июль, сешанба ◆ Нархи 8 тийин.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Самарқанд вилоят матлубот уюшмаси ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Нозик» кичик корхонаси усталари жундан тўқилган либосларнинг дастлабки туркумини тайёрлади. Маҳсулот бозорда қўлма-қўл бўлиб кетди.

● Ўзбекистон театри ёш намояндаларидан бир гуруҳи кўп йиллардан бери Францияда ўтказиб келинаётган нуфузли театр фестивалида қатнашиш учун жўнаб кетди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча кечкурун АҚШ Президенти Ж. Буш Москвага келди. Бугун Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари Президентларининг учрашуви бошланади. Олий даражадаги Горбачев—Буш учрашувида расмий совет делегацияси таркибида яна икки президент — Б. Ельцин ва Н. Назарбоев ҳам иштирок этади.

ХОРИЖДА

● Келгуси ҳафтада Қувайтга у босиб олинган пайтда қўлга киритилган барча пуллар, шунингдек 3216 та олтин қуймалар қайтарилажаги Ироқда эълон қилинди.

● Руминиянинг шарқида юз берган сув тошқини оқибатида 65 киши ҳалок бўлди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори 1991 йил 26 июль

КПСС ДАСТУРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ВА УНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия XXVIII съездининг комиссияси тайёрлаган КПСС Дастури лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш ва партияда муҳокама қилиш учун мақбул асос деб ҳисоблайди.

2. КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига ушбу Пленумда лойиҳани муҳокама қилиш чоғида айтилган мулоҳаза ва таклифларни умумлаштириш ҳамда уларни XXVIII съезд комиссиясига тақдим этиш топширилсин. Дастур комиссиясига лойиҳани пухта ишлаб чиқиш чоғида лойиҳанинг энг муҳим қоидаларини назарий жиҳатдан асослаш савиясига, КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти билан давомийлигига, партиянинг ташкилий-сиёсий тузилиши масалаларига алоҳида эътибор бериш тавсия этилсин.

3. Лойиҳа эълон қилингандан кейин умумпартиявий мунозара ўтказилсин. Партия комитетлари Дастур лойиҳасини меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида, ижтимоий-сиёсий марказларда кенг муҳокама қилишни уюштирсинлар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет котиблари ва аъзолари партия ташкилотларида янги Дастур лойиҳасининг муҳокамасида фаол қатнашсинлар.

4. Партиянинг оммавий ахборот воситалари КПСС Дастурининг лойиҳаси юзасидан умумпартиявий мунозарани атрофлича ва чаққон ёритишни таъминласинлар. Партиядаги аҳволни, унинг ҳозирги сиёсатини ҳар томонлама очиб берадиган материаллар мунтазам эълон қилинсин.

КПСС Марказий Комитетининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари билан учрашувлар, суҳбатлар ҳамда КПСС Дастурининг лойиҳаси кенг ёритилишига кўмаклашадиган бошқа тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилсин.

5. КПСС Марказий Комитетининг Ижтимоий фанлар академияси, КПСС Марказий Комитетининг Социализм назарияси ва тарихи институти, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ҳозирги ижтимоий муаммолар институти, республикалардаги ижтимоий-сиёсий институтлар КПСС Дастурининг лойиҳаси юзасидан тушаётган таклифларни ўрганиш ва умумлаштиришда, илмий, маърифий ва ташвиқий ишларни ўтказишда қатнашсинлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори 1991 йил 26 июль

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXIX съездини чақириш тўғрисида

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXIX съезди 1991 йил ноябрь-декабрда чақирилсин.

КПССнинг навбатдан ташқари XXIX съезди делегатларини сайлаш учун вакиллик нормаси 7,5 минг КПСС аъзосидан 1 делегат қилиб белгилансин.

2. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари билан биргаликда съездни ўтказиш куни, унинг кун тартиби ва съездга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида партия ташкилотларининг фикрини эътиборга олиб, Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленуми муҳокамасига таклифлар киритиш топширилсин.

Санда Тўлаганова тажриба-пиллакашлик фабрикасининг илғор ишчиларидан. С. Тўлаганова зиммасидаги вазифани ҳамиша аъло даражада бажариб, ҳамкасблари олқишига сазовор бўлмоқда.

Тўлқин Каримов сурати.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

КПСС Марказий Комитети Пленумида КПСС Дастури лойиҳаси муҳокамаси хусусидаги якунловчи нутқи

Пленум фавқулодда вазиятда ўтмоқда, деди у. Муҳокама мавзусининг ўзи — КПССнинг бўлажак Дастури унга алоҳида аҳамият бахш этмоқда.

Шу кунларда баъзи бировлар сиёсий эҳтиросларни авж олдиришни хоҳлайдилар. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида ҳам ҳар бир ўткир, баҳсли фикр бутун мажлис аҳлини ҳаракатга келтирди. Одатдаги сийқаликлар ва қолипга тушиб қолган гаплар — душманларни излаш, айблаш ва қатъий талабларни ўртага қўйишлар ҳам бўлди. Тарихимизнинг ва ҳозирги кунимизнинг бутун мураккаблигини, зиддиятлилигини соддалаштирилган формулаларга айлантиришга уринишлар ҳам намоён бўлди.

Лекин бу Пленум ишида асосий мавзу бўлолмади. Олдинги баъзи пленумлардан фарқли равишда бу Пленумда соғлом, ишчанлик ёндашувлари устунлик қилмоқда. Кўпгина нутқларда Дастур лойиҳаси умумий назарий ва сиёсий позициялардан келиб чиқиб, жамиятимиз тараққиётининг энг муҳим вазифалари билан боғлиқ равишда асосли таҳлил этилди. Бундай ёндашувда катта имкониятлар бор. Бундан буён ҳам биз ана шундай амалий йўналишда туришимиз керак; ўз фикримизни айтиш билан бирга бир-биримизнинг гапимизни тинглаш учун сабр-бардошли бўлишимиз, ўртоқлик вазнятини таъминлашимиз, бу ерда намоён бўлган соғлом тамойилни мустаҳкамлашимиз лозим.

Бўлиб ўтган сермазмун гаплар натижасида Дастур лойиҳасини янада пухталаштириш учун муҳим фикрларга эга бўлдик, ҳозир партияда бундай Дастурнинг зарурлиги ўткир ҳис этилаётганлиги Пленумда яна бир бор таъкидланди.

Дастур комиссиясида бўлгани каби бир қанча нутқларда бизга қандай Дастур зарур, деган савол ўртага қўйилди. Баъзилар ўтмишни ва ҳозирги ижтимоий жараёнларни батафсил назарий таҳлил қилиб беришни таклиф этмоқдалар, айтмоқчи, бунинг учун жуда кўп ишланмалар ва материаллар бор, шу соҳада изланишлар олиб борилган, юз ва йигирма саҳифали лойиҳа вариантлари ва бошқа материаллар бор. Бошқа ўртоқлар 90-йилларда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг фавқулодда муҳимлигини кўзда тутиб Дастурда ана шу давр билан чекланишимиз лозим, деб ҳисобламоқдалар.

Менимча, ҳар иккала томон ҳам ҳақли. Дастур комиссиясида ҳам биз ана шунга асосландик. Чунки, В. И. Ленин огоҳлантирганидек, умумий масалаларни тушуниб етмас экансан, ҳамиша хусусий масалаларда қоқилиб кетаверасан. Шу сабабли босиб ўтилган йўлдан хулоса чиқаришга, бизда, атрофимиздаги оламда нималар бўлаётганини тушуниб олишга ёрдам берадиган назарий фикрнинг муайян «мажмуи» бўлиши зарур. Коммунистлар социалистик ғояларни амалга ошириш учун курашни давом эттирар эканлар, бундай назарий фикрларсиз иш қила олмайдилар. Шу билан бир вақтда одамлар, аввало, бундан буён қандай яшаш керак, қаерга бориш керак ва нима қилиш керак, деган саволларга жавоб кутмоқдалар, деб гапираётган ўртоқлар ҳам ҳақлидирлар.

Бунда биз Вазирлар Маҳкамаси ўрнини эгаллаб, партиявий Дастурга тангликка қарши аниқ чора-тадбирларни кирита олмаймиз, албатта. Бинобарин, иккала ёндашувни оқилона қўшиб олиб бориш керак. Умумий назарий ва сиёсий таҳлил зарур, лекин Дастур фаоллаштирилиши лозим, у ҳозирги замон жамият тараққиётининг асосий муаммолари хусусида энг муҳим талабларга жавоб бериши лозим.

Назарияга етарли баҳо бермасликда ва ҳозир жамиятимизда юз бераётган барча жараёнларга ўткир сиёсий баҳо беришдан чекинишда шубҳа қилмасликлари учун шу ҳақда гапиряпман. Бу йўналишларда изланишлар олиб борилди ва давом эттирилаверади. Лекин бизга ҳозирнинг ўзидаёқ байроғига «Социализм, демократия, тараққиёт» деб ёзиб қўядиган ва ана шу мақсадларга эришиш учун амалда ҳаракат қиладиган партиянинг етарли даражада мукаммал назарий ва долзарб сиёсий Дастури зарур. Лойиҳани тайёрлаш чоғида режаларимиз ана шундай эди. Бунга қанчалик муваффақ бўлганига ўзингиз баҳо берасиз.

Сирасини айтганда, ҳужжатга ўртоқлар ўз муносабатларини билдиришди. Кўпгина муҳим мулоҳазалар айтилдики, улар дастур комиссиясининг ишига ёрдам беради. Лекин таклифларни ҳисобга олиш чоғида ,меъёр бўлиши керак. Ҳужжат етарли даражада лўнда, айтиш мумкинки, ўқишли, тушунарли бўлиши керак. Чунки биз бу ҳужжатни мумкин қадар кўпроқ ватандошларимиз ўқишларини, тушунишларини хоҳлаймиз. Агар Дастур аврашларнинг йиғиндиси эмас, балки новаторча тузилган дастур бўлса бунга эришиш мумкин. Жамиятимиздаги воқеликни ва жаҳон маърифатининг бутун боришини теран идрок этиш лозим. Бу эса ҳозирги социалистик йўлни истиқболли қилади.

Лойиҳа ундаги баёнларнинг тарқоқлиги билан нималарнидир яширмоқда, деб ҳисоблаётган ўртоқлар ҳаётнинг жўшқинлиги тақозо этаётган бир қанча муаммоларни қўйишдаги янгликни англаб олишлари қийин бўлади. Кимдир бундай таърифларга аниқлик киритишни таклиф этаётган бўлса — мен ҳам бу фикрга қўшиламан.

Биз ўз қиёфасига эга бўлган, марксча, диалектик таҳлил усулини эгаллаган партия сифатида ҳеч қандай ақидаларга сажда қилмай тараққиётнинг реаллигини бир хил кўришимиз лозим.

Биз XXI аср янги илму зиёси пайдо бўлаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас. Акс ҳолда энг муҳим нарсани пайқамай қоламиз. Лойиҳада шу ҳақда айтишга уринишлар бор. Бу муҳим назарий хулоса бўлиб, ундан жуда кўп сиёсий хулосалар чиқариш мумкин.

Биз ўзимизни демократик ислоҳотлар партияси, деб айтаётганлигимиз жуда муҳимдир. Жамиятимиздаги қаттиқ қаршима-қарши туришда, ундаги мавжуд сиёсий маданият даражасида фақат фикрларнинг хилма-хиллиги, фақат конституциявий қонунийлик доирасида позицияларни демократик қиёслашгина ҳақиқатни топишга имкон беради. Ҳар қандай партия ҳам ана шу доирада ўзининг ҳақлигини исботлайверсин, жамиятга ўз дастурини таклиф этаверсин, уни қўллаб-қувватлашларига эришаверсин. Лекин «Йўқолсин», «Йўқ қилиб ташлансин», «Шарманда қилинсин», «Янчиб ташлансин» усуллари билан ҳаракат қилинадиган бўлса, бу — боши берк кўча, орқага қайтиш, ялпи ҳалокатдир. Социализм, демократия, тараққиёт учун курашаётган партия бундай даъватлар ва усулларга асослана олмайди.

Жамият ҳолдан тойганлигини, янги тўнтаришларни, муҳолифликни, ижтимоий ўта кескинликни хоҳламаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Халқ, Ватан, давлат манфаатларини барча партия munозараларидан, сиёсий баҳслар ва зиддиятлардан устун қўйишга даъват янграгач жамият енгил нафас олган эди. Ана шу умумий тамойилни пайқаб олиб ислоҳотлар йўлини эгаллаш, сиёсатга илму зиё билан ёндашувни ўрганиш жуда муҳимдир.

«Ислоҳотчилик» тушунчасидан чўчиётган кишиларга эса мен В. И. Ленин 1921 йилда ёзган гапларни эслатиб қўймоқчиман. Инқилобий ёндашувлар ўрнига, бу ёғи В. И. Ленининг сўзлари, «Эскиликни бевосита ва тўла бузиб ташлаш маъносида» «мутлақо ўзгача, ислоҳотчилик тусини» қўйиш зарур. Хуллас, ислоҳотчилик ва ҳатто ислоҳотбозликда таъна қилишлардан қўрқмаслик керак. Ҳамма гап ислоҳотларнинг йўналишидадир.

Кеча маърузада ўнлаб йиллар давомида партияга ва жамиятга тиқиштириб келинган модел стратегик мағлубиятга учраганлиги ҳақида гапирган эдим. Бу хулоса ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу хулосага асосланадиган бўлсак, биз социализмга бутун нуқтаи назаримизни янгитдан тубдан ўзгартириш заруратига етиб келдик. Саволларимизга эски модел доирасида жавоб топа олмаймиз. Бу моделни дўстларимиз ўз мамлакатларида «тажриба қилиб кўришга» ёрдам берган эдик, улар ҳам бундай саволларга жавоб топа олмадилар. Ҳа, бу социализм ва социалистик ғоянинг танглигидир. Лекин тангликни бартараф этиш керак, тангликдан сўнг соғломлаштириш ва янгиланган организмнинг олга томон янги қатъий ҳаракати бошланиши мумкин.

Қисқа қилиб, айтганда, ҳозир — чуқур, масъулиятли мулоҳазалар юритиш ва қарорлар қабул қилиш давридир. Агар биз кимларгадир ёқмаган нотиқ сўзга чиққанда «ер тепиниб» ва «қарсак ураверсак» ёки кимгадир маъқул келадиган нотиққа ҳаддан ташқари қарсак чалаверсак, у ҳолда ҳеч қандай оқилона фикрга келмаймиз. Келинглар, ҳеч бўлмаса партия Марказий Комитетининг Пленумларида бундай қилмайлик.

Лойиҳада қайта қуриш муқаррарлиги тўғрисида аниқ ёзиб қўйиш керак деган фикрга қўшиламан. Қайта қуришни ҳеч ким ўйлаб чиқаргани йўқ. Қайта қуриш, айтиш мумкинки, бутун жамият ғулувга келган 53-йилда ҳам, 65-йилда ҳам, 66-йилда ҳам, 70-йилларда ҳам, 80-йилларнинг бошларида ҳам эшик қоқиб турган эди.

Умуман барча камчиликларга қарамай бу ерда рўйрост гаплашиб олганлигимиздан мамнунлигимни яна бир бор айтиб ўтаман.

Менимча, баҳс якунларини дарҳол умумлаштириб, уларни Дастур комиссиясига беришни КПСС Марказий Комитети Котибиятига топширишимиз лозим. Новаторлик ва давомийлик руҳидаги барча қимматли фикрлардан фойдаланмоқ керак. Бундан лойиҳа фақат ютади. Бир ҳафтадан сўнг, кўпи билан ўн кундан кейин ҳужжатни эълон қилиш, таклиф этилганидек, уни умумпартия муҳокамасига қўйиш лозим.

Ниҳоят, сўнгги фикр. Биз ҳаммамиз партия ички ишлари билан яқиндан шуғулланяпмиз, бу тушунарлидир — партия тақдири эътиборни ва юксак масъулиятни талаб қилади. Лекин ҳозир ички муаммоларга ўралашиб қолиш мутлақо мумкин эмас. Агар биз ички муаммоларга ўралашиб қолсак — жамият турмушидан ажралиб қоламиз. Жамият турмуши эса тангликка қарши Дастурни сира кечиктирмай амалга оширишга, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга, қишга тайёргарлик кўришга, турмуш ва ишлаб чиқаришни энергия, иссиқлик билан таъминлашга муҳтождир. Коммунистлар халқ эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилмасликлари мумкин эмас.

Партиямиз сиёсий ҳаракатлар партияси сифатида ўзини фаолроқ кўрсатиши лозим. Ушбу фикр Дастурда мустаҳкамланиб қўйилиши ва кенгроқ, аниқ ва равшанроқ амалга оширилиши даркор. Ҳозирги пайтда партиянинг ишчиларга, деҳқонларга, зиёлиларга, меҳнат жамоаларига яқин бўлиши — асосий масала. Кундалик қийинчиликларни енгиб жамият тараққиётининг ҳозирги қийин босқичидан ўтишда одамларга ёрдам бермоқ керак. Бу ишда ҳеч нарса партиянинг ўрнини босолмайди. Бинобарин, биз ўз партия ички ишларимизга қанчалик берилиб кетишимизга қарамай бу иш амалга оширилиши керак, деб хулоса чиқарди М. С. Горбачев.

Мутасаддилар фикрича...

КЕЛГУСИ ЙИЛ ОБУНАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

⊙«Тошкент оқшоми» муҳаррирлиятига келаётган кўпчилик хатларда берилаётган саволлар мазмуни ана шундай. Муштарийларимизни аввало келгуси йил даврий нашрлар учун нарх-наво қандай бўлиши ҳам жуда қизиқтирмоқда. Лекин очиқ гапни айтишимиз шарт: бозор иқтисодиёти ҳар қадамда ўзини эслатиб турибди. Жумладан, келгуси йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна бўлувчилар ўтган йилга нисбатан бир мунча кўпроқ пул тўлайдиган бўлишди.

Тошкентнинг «Оқшом» рўзномаларининг бир йиллик обуна баҳоси 25 сўм 68 тийинни ташкил этадиган бўлди. Лекин биз бу ўринда обуна бўлишнинг афзал томонини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Бинобарин, чакана савдога чиқариладиган «Оқшом» рўзномасининг битта сони нархи обуначига етказиб берладиган рўзнома нархидан беш тийин қиммат — яъни 15 тийин бўлади. Ана шу боисдан ҳам рўзномага обуна бўлиш бир мунча муштарийга енгиллик туғдиради.

Ушбу фактни Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш бирлашмасининг бошлиғи Собир Ҳотамович Ҳотамов шарҳлаб шундай деди:

— Обуна мавсумига тараддуд билан келмоқдамиз. Бутуниттифоқ, илмий-техникавий нашрларга каталоглар вақтида келди. Лекин биз ҳали республика нашрлари каталогини олганимизча йўқ. Бошқа иттифоқдош республикалар, хорижий элларда чиқадиган нашрларнинг ҳам каталогига эга эмасмиз. Ўйлаймизки, яқин кунларда бундай каталогларга эга бўламиз. Муштарийларга шуни айтиб ўтмоқчиман: 1 августдан бошлаб обуна бошланади. Ойнома ва рўзномаларга обуна қабул қилиш октябрь ойининг сўнгги кунида ниҳоясига етади. Обуна мавсуми пайтида шаҳарда обунани расмийлаштирадиган махсус нуқталар фаолият кўрсатади, уларга почта бўлинмалари, шунингдек рўзнома ва ойномалар сотадиган дўконларнинг ходимлари ҳам ёрдамга келишади. Бундан ташқари аввалги йилларда бўлгани сингари бу галги обуна мавсуми чоғида аҳолининг уйларига борib нашрларни расмийлаштириш йўлга қўйилади, йирик саноат корхоналарида, ташкилотларда, олий ўқув юртларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар кўмагида ҳам шундай хайрли ишлар бажарилади.

Бугунги кунда фуқаролардан даврий нашрларга обуна нархи ошишининг сабаби алоқачилар ўз хизматлари учун оладиган ҳақни оширганликларида, деган гапни эшитиш мумкин. Лекин бу гап унчалик тўғри эмас. Алоқачилар хизматидан ташқари қоғоз нархи, босмахона хизмати ҳам кўтарилганлигини айтиб ўтиш ўринли деб биламан.

Шундай қилиб, 1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна қабул қилишга чеклашлар бўлмайди. Обуна мавсуми 1991 йилнинг 1 августидан 31 октябрига қадар давом этади. Лекин ишнинг кўзини биладиган тадбиркор кишилар темирни қизиғида босиб ўз севган нашрларига обунани вақтида расмийлаштириб қўйганлари маъқул. Бу гап бизнинг «Оқшом» рўзномалари муштарийларига ҳам жуда тааллуқлидир.

⊙ Шундай қилиб, азиз муштарийлар, «Тошкент оқшоми»нг рўзномасининг бир йиллик обуна нархи 25 сўм 68 тийин, ярим йиллик обуна нархи 12 сўм 84 тийин, уч ойлик обуна нархи 6 сўм 42 тийинни ташкил этади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек обуна йўли билан «Оқшом»ни олсангиз унинг ҳар бир сонидан 5 тийиндан ютган бўласиз. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир уй-рўзғор сарф-харажатларидан тўпланадиган шундай тийинларнинг ҳам фойдаси тегиб қолдиган томонлари бўлади, албатта. Сўзимизни мухтасар этиб, «Тошкент оқшоми» рўзномаси ҳафтада беш марта чиқишини, унинг бир сони обунаси учун 10 тийин, савдода эса 15 тийин бўлишини эслатиб, 64690 «Оқшом» рўзномасининг индекси эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Санд БОБОЕВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

30 ИЮЛДАН 4 АВГУСТГАЧА

Ўзбекистон Об-ҳавони ўрганиш марказидан олинган маълумотга кўра, шу ҳафта давомида жумҳуриятимизда иқлимнинг қуруқ ва анча иссиқ бўлиши кутилади. Фақат ҳафтанинг ўртасидагина тоғлиқ ва тоғ атрофи ҳудудларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳафта давомида ҳарорат даврли ўзгармайди — кечалари 17—22 даража атрофида бўлиб, кундуз кунлари эса ҳафта ўртасида 33—35, ҳафта бошида ва охирида 35-40 даражада бўлиши кутилади.

Жумҳуриятимизнинг жанубий вилоятлари — жумладан Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарёда ҳарорат кечалари 20—25, кундуз кунлари эса ҳафта бошида ва охирида 37—42, ҳафта ўртасида 32—37 даражада туради.

Умуман Ўзбекистонда ҳарорат меъёридагидан бир қадар юқори бўлиши кутилади.

КПСС Марказий Комитетининг баёноти

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, РСФСР Президентининг «РСФСР давлат идораларида, муассасалари ва ташкилотларида сиёсий партиялар ҳамда оммавий жамоат ҳаракатларининг ташкилий тузилмалари фаолиятини тахтатиш тўғрисида»ги Фармони фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини анчагина чеклашга, кейинги йиллардаги демократик ғалабаларни йўққа чиқаришга ва жамоат тузилмалари билан давлат идоралари ўртасида мухолифликни кескинлаштиришга қаратилган. Қонунга хилоф бўлган шу ҳужжат ёрдамида одамларнинг фуқаролар тотувлигига эришиш умидларига зарба урилди, энг катта иттифоқдош республикада ҳеч бир ўринсиз сиёсий кескинлик вужудга келтирилди.

Фармоннинг амалга оширилиши меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштироки хилма-хил шакллари тўхтатиб қўйилишига олиб боради ҳамда меҳнат аҳлига нисбатан маъмурий ўзбошимчаликка ва бедодликка йўл очади, айниқса, бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда зарур бўлган ижтимоий ҳимоя тартиб-қоидаларини заифлаштиради. У ҳамма қабул этган ҳамда фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мустаҳкамланган меъёрларни бузади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Фармоннинг демократияга ва Конституцияга қарши йўналишини, мамлакатни авторитаризм йўлига буриб юборишдаги уринишларни кескин қоралаётган касаба уюшмаси, жамоат ташкилотларининг, коммунистлар йиғилишларининг баёнотларини қўллаб-қувватлайди.

Марказий Комитет Пленуми совет жамиятидаги демократик ўзгартишлар жараёнини чинакам халқ ҳокимияти руҳида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари қонун доирасида иш кўриб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини изчил равишда ҳимоя қилаверади, халқ депутатлари Советлари, касаба уюшмалари, корхоналарнинг раҳбарлари ва жамоат ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилаверади. Партия ташкилотлари ўзларининг меҳнат жамоаларида ишлаш ҳуқуқини одамлар учун ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда кун сайин фаол иштирок этиш йўли билан тасдиқламоқдалар.

Марказий Комитет Пленуми барча партиялар ва ҳаракатларга, касаба уюшмаларининг, ёшларнинг, хотин-қизлар, фахрийларнинг ташкилотларига ва бошқа жамоат ташкилотларига мурожаат этиб, совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида бирлашишни таклиф қилади.

Пленум РСФСР коммунистларини ўз сафларини жипслаштиришга, сабр-матонатли бўлишга, уюшқоқликни сақлаб қолишга, меҳнат аҳлининг туб манфаатларини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилишга чақиради. Пленум қатнашчилари Россия Федерациясининг коммунистлари билан бирдам эканликларини изҳор этадилар. Ҳуқуқ ва қонун бизнинг тарафимизда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Президентига, СССР Олий Кенгашига, СССР Конституциявий назорат комитетига мурожаат этиб, РСФСР Президентининг Фармонини зудлик билан ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашни, демократик ғалабаларни ҳимоя қилишни қатъиян таклиф этади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1991 йил 26 июлда қабул этилган.

Саида Абдумавлонова ва Гулнора Тожибоевалар «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-филиали илғорларидир. Улар ҳамиша сифатли маҳсулот тайёрлашиб, ҳамкасбларига ибрат бўлишаётир.

Янгиликлар Воқеалар

НУКУСДА МОЛ БИРЖАСИ

Нукусда универсал мол — хом ашё биржаси тузилди. У қишлоқ хўжалик иқтисодиёти илмий тадқиқот илмгоҳининг Қорақалпоғистон бўлими ҳузуридаги бозор иқтисодиёти илмгоҳида биринчи марта ташкил этилди.

Биржанинг ташкил этилиши, жумҳурият халқ хўжалигини бозор иқтисодиёти йўлига ўтказиш дастури рўёбга чиқарилаётганининг натижаси бўлди. У Қорақалпоғистон олий кенгаши қабул қилган акционерлик жамиятлари ва ширкатларнинг бошқа турлари тўғрисидаги қонунга жавоб беради.

Биржанинг низом жамғармаси — 4 миллион сўм. Савдога хом ашё ва маҳсулотлар, шу жумладан мармар, пахта, жун, гуруч чиқариш назарда тутилмоқда. Биржа ташкилотчилари у узоқ вақтгача бундай бўлмаслигига, келгусида бир қанча ихтисослашган бўлинмаларга ажраб кетишига умид боғлашмоқда.

ҚИШЛОҚДА ГИЛАМ ТЎҚИШМОҚДА

Марҳамат районининг Қушчи қишлоғида истиқомат қилаётган аёллар яқин-яқингача беиш эдилар. Энди улар енгил саноат корхоналари чиқиндилари ва ишлаб чиқаришга яроқсиз жунлардан гиламлар, миллий палослар ва шолчалар тўқишмоқда.

Ленинск шаҳар 2-пахта заводининг Қушчи пахта тайёрлаш пункти жамоаси ташаббуси билан бўш ётган биноларда гилам тўқиш цехи очилди, ҳозирдаёқ бу цехга 20 нафар қишлоқ аҳолиси ишга жойлашди.

Ишлаб чиқариш бинолари ва хом ашё ресурсларининг борлиги, ишчи кучининг мўллиги таҳчил халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

ЯНГИ МАВСУМГА ТАЙЁРЛАНИБ

Урганч ёғ-мой комбинатида ишлаётган барча кишиларнинг ярмидан кўпроғи — 400 киши бир вақтнинг ўзида навбатдаги меҳнат таътилига чиқишни сўраб ариза берди. Уларнинг илтимоси қондирилибгина қолмади, айни вақтда моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Таътилга чиққан ҳар бир ходим бу гал ўрта ҳисобда қўшимча равишда 50 сўмдан компенсация олди.

Ишчиларнинг оммавий тарзда таътилга чиқиши жамоат фаолиятига ҳеч таъсир қилмади. Комбинат тузилган режага кўра тўла-тўкис таъмирлаш учун тўхтатиб қўйилди. Ўн ой давом этган бутун мавсум мобайнида корхона кечаю кундуз, муттасил ишлади. Шу вақт ичида 122 минг тонна чигит уруғи қайта ишланди. Жумҳурият савдо тармоқларига 20 минг тоннадан ортиқ тозаланган ёғ ва етти ярим минг тонна кир совун ортиқ жўнатилди. Чорвачилик фермалари билан қишлоқ аҳолиси ва шаҳарликларнинг шахсий моллари учун кўплаб шулха ва кунжара етказиб берилди.

Хуллас, ёғ ишлаб чиқарувчилар мавсум мобайнида 4,5 миллион сўм фойда ишлаб топдилар, бу фойданинг катта қисми жамоа ижтимоий-маиший эҳтиёжларини яхшилашга сарфланади.

Ж. А. Абдуллаев нутқи

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТР ТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ РЕКТОРИ

Владимир Антонович Ивашко Бутуниттифоқ телекўрсатувининг биринчи программаси орқали яқинда ўтказилган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Пленумига тақдим этиладиган Дастур лойиҳаси ҳужжатнинг саккизинчи нусхаси эканини айтди. Шу муносабат билан мен КПСС Устави лойиҳаси билан бўлган воқеани эсладим, ўшанда ярим йил давомида миллионлаб коммунистлар бир нусхани муҳокама қилдилар-у, XXVIII съезд бошланишига бир ҳафта қолганида делегатларга бошқа нусха таклиф этилди, унда коммунистларнинг кўпгина таклифлари етарли равишда акс этмаган эди. Бу сафар ҳам шундай бўлмаса яхши эди.

Шахсан мен ушбу лойиҳани партия Дастурининг асоси қилиб олиш учун овоз бераман. Эҳтимол, бу сафларимизни жипслаштириш ва КПССнинг бутунлай парчаланиб кетишига йўл қўймаслик учун охирги имкониятдир.

Ўзбекистон коммунистлари жипслашувни, ижтимоий тотувликни, КПССнинг яхлитлигини хоҳлайдиларми? Шак-шубҳасиз, хоҳлайдилар. Шу сабабдан воқеаларнинг бундай ривожланишига бор кучлари билан интилаверадилар. Аммо бундан биз КПСС Дастури ёки Уставини ҳар қандай тарзда пала-партиш тузатаверишга тайёрмиз, деган маъно чиқмайди. Шу боисдан мен бир қанча позициялар бўйича муаммонинг, менинг назаримда, қандай ҳал этилиши лозимлиги хусусида гапирмоқчиман, айрим қоидалар тўғрисидаги ўз фикримни айтмоқчиман.

Дастурнинг назарий ўзагини олиб кўрайлик. Хўш, у қандай? Яқин вақтларгача биз марксизм-ленинизм классикларининг таълимотига асосланар эдик. Хўш, Дастур лойиҳасига қайси таълимот асос қилиб олинган? Гарчи социализм ва коммунизм ҳақидаги сўзлар ҳамма жойда мавжуд бўлгандек туюлса ҳам Дастурга қайси таълимот асос қилиб олингани сезилмайди.

Иккинчиси. Лойиҳада баён этилган уч тезис мени жуда ҳайратда қолдирди: ҳар бир партия аъзосининг динга ишониш ёки даҳрийлик эътиқодларига амал қилиш эркинлиги ҳақидаги; КПСС ташкилотларидан бирида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳуқуқи тўғрисидаги; партияга моддий мадад бериш ёки бермаслик масаласини ўзи ҳал қилиш ҳақидаги тезислар шу жумлага киради, агар ўртоқларнинг эсида бўлса, икки сўнгги тезис ҳақидаги масала РСДРП II съездидаёқ кўндаланг бўлиб турган эди. Хўш, энди биз Ленин билан Мартовнинг тугамай қолган баҳсига қайтамизми? Партия ташкилотларидан бирида ишлаш ёки ишламаслик, бадалларни тўлаш ёки тўламаслик имконияти деганда КПССнинг ташкилий бирлиги ва тузилишини синдириб ташлаш, унинг остига бора-бора портлайдиган яна бир мина жойлаб қўйиш муддаоси яширинган ётганлиги соғлом фикрли ҳар бир коммунистга равшанку, ахир. Шу сабабли мен М. С. Горбачев нутқининг баъзи қоидаларига қўшила олмайман.

Бошқа тезис — диндорлар ва худосизлар ҳақидаги тезис — ҳозир динга берилиш расм бўлганини эътиборга олганда, эҳтимол унчалик даҳшатли эмасдир. Аммо у марксизм таълимотининг тамал тоши бўлмиш материализм билан қовушадими? Қовушмайди.

Учинчиси. Менга маълум бўлишича, Ўзбекистон Компартияси ўзининг Марказий Комитети орқали Дастур лойиҳасини бирин-кетин таҳлил этар экан, битта муҳим жиҳатга икки марта эътиборни қаратди, чунончи, Дастур лойиҳасининг иккинчи бўлимида: жаҳон социалистик тузуми, Варшава Шартномаси нега барбод бўлди, Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларида КПСС тузилмалари парчаланиб кетганлигининг илдизлари нималардан иборат. Бу қандай оқибатларга олиб боради? — деган саволларга жавоб йўқ. Ахир булар икир-чикир саволлар бўлганида эди, улар ҳақида индамай, бир оғиз ҳам гапирмай қўяқолиш мумкин эди. Бу — тарих сабоғи эмасми, бинобарин назарий идрок этиш мавзуи эмасми, ахир?

Тўртинчиси. Тақдим этилган лойиҳанинг тузилиши, ички тузилиши барибир мени жуда ҳайратда қолдирди: ҳар бир партия аъзосининг динга ишониш ёки даҳрийлик эътиқодларига амал қилиш эркинлиги ҳақидаги; КПСС ташкилотларидан бирида қатнашиш ёки қатнашмаслик лимни кўргим келади, чунки партиянинг ёшлар сиёсатидаги аниқ фикрларини таърифламай туриб, ёшларни ўз тарафига жалб қилмай туриб, муваффақиятга умид боғлаб бўлмайди. Бундан ташқари «Партия бозор иқтисодиёти шароитида» деган кичик бўлимга зарур аниқлик киритган бўлур эдим. Ҳозирча бу мавзудаги ғоялар лойиҳанинг ҳамма саҳифаларида сочилиб ётибди.

Бешинчиси. Жузъий жиҳатлардан фақат бир нечасига тўхталмоқчиман. Буни қаранг икки ҳолатда бўлажак Иттифоқ Дастур лойиҳасида мустақил республикаларнинг федерацияси деб, учинчи ҳолатда эса мустақил давлатларнинг федерацияси деб таърифланган. Энг муҳим таърифдан фойдаланишда бундай номувофиқликни бартараф этиш зарур. Чунки бундай миқёсдаги ҳужжат учун бу қадар номувофиқликка йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир гап. Лойиҳанинг биринчи бўлимида КПСС, жумладан, умумбашарий қадриятлар партияси ҳамдир, деб айтилган. Бу яхшидек туюлса ҳам, аммо умумбашарий қадриятларнинг ўзи нима? Ҳар ҳолда умумбашарий қадриятлар мезонини ва уларнинг синфий манфаатларга нисбатини таърифлаб бериш керак. Меҳнаткашларнинг социалистик адолат ҳақидаги азалий орзуси гарчи синфий қадрият бўлсада, у ҳам умумбашарий қадриятларнинг бир белгисидир. Умумбашарий манфаатлар синфий манфаатлардан таркиб топмайдими, ахир?

КПССдаги турли оқимлар ҳақида бир неча сўз. Менинг назаримда, стратегик мавқелари ва мақсадларига қараб уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ—КПСС билан муҳолифликдаги оқимлардир. Улар билан, уларнинг ўзлари биз билан қай тилда гаплашаётган бўлсалар ўша тилда гаплашмоқ керак. Иккинчи гуруҳ — КПСС доирасидаги муқобил ҳаракатларнинг тарафдорларидир. Бунинг ҳеч қандай хавфи йўқ, деб ўйлайман. Иккинчи гуруҳ тақдим этган барча фикрларда, лойиҳаларда гап партиянинг тақдири ҳақида, унинг халқ оммаси орасидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш муддаоси тўғрисида боряпти. Менинг англашимча, тафовут фақат ялпи муаммони ҳал этиш усуллари ва унга ташкилий ёндашувлар ҳақидагина бормоқда. Мана шунга асосланиб, мазкур лойиҳаларни, фикрларни шу қадар ўткир қарама-қарши қилиб қўйиш ўринлими, деган савол келиб чиқади. Модомики, пировард мақсадлар муштарак экан, мана шу муштарак негизга таяниб, манфаатпарастликдан воз кечиш ва умумий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш учун фикрларни яқинлаштириш йўлларини излаш оқилона иш бўлмайдими? Бундай ёндашув партиянинг сафларини бирлаштириш ва мустаҳкамлашга, партияда бошланиб келаётган тангликни унинг омма орасидаги обрў-эътиборига унчалик путур етказмай бартараф этишга кўмаклашган бўлур эди. Чунки мамлакатда ривожланиб бораётган кўп партиялилик шароитида партиямизнинг бирлигини сақлаб қолиш нақадар муҳимлиги ҳар бир коммунистга равшанку, ахир.

Шундан кейин нотиқ мамлакат сиёсий турмушининг бошқа баъзи муаммолари хусусидаги ўз мулоҳазаларини айтди. Аввало «тўқ қизлар»нинг машҳур мурожаатномасига ўз муносабатини билдирди. Демократия шароитида бу мурожаатнома пайдо бўлганининг ҳеч бир алоҳида жиҳати йўқ, деб таъкидлади нотиқ. Бироқ бу мурожаатномага партия ва давлатнинг юқори табақасидаги кишилар имзо чекканликлари кишини ўйлашга мажбур этади. Хўш, улар Сиёсий бюро аъзолари, Президентнинг маслаҳатчилари, халқ депутатлари ва вазирлар бўлган пайтларида ўз ғояларини рўёбга чиқаришларига нималар халақит берди экан? Нега улар кўкламги эҳтиросларини жазавасидан кейин вазият барқарорлаша бошлаган бир пайтни танлаб олдилар? КПСС билан ёнма-ён йўлдан бориш учун албатта унинг сафидан чиқиш ва КПССда юзага келган ҳамда унинг ўзи амалга ошираётган ғояларни эълон қилиш нечун керак бўлиб қолди? Кўриниб турибдики, саволлар кўп. Аммо, чамаси, жавоб битта. Машҳур мурожаатномани имзолаган кишилар энг одий нарса, хусусан: ўзларининг ижтимоий аҳволини сақлаб қолиш илинжида шундай қилганлар.

Ахлоқийлик нуқтаи назаридан Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг партиясазлаштириш тўғрисида куни-кеча эълон қилинган фармонини ҳам тахминан шундай баҳоласа бўлади. Хай, майли, партиядан кетар экансан, ғояларга эмас, балки халққа хизмат қиламан, деб ҳисоблай қол. Шундай бўлақолсин, аммо нега энди айни вақтда бошқаларни энг оддий сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум этиш керак бўлиб қолди? Бугун Пленум мана шу иккала фактга сиёсий баҳо бериши керак, чунки холисона айтганда, униси ҳам, буниси ҳам партияга қарши қаратилган.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиздаги сиёсий вазият жуда жиддий. Айни вақтда республикамиз коммунистлари аҳволни ўнглашнинг иложи йўқ, бинобарин, баъзи партия ташкилотларини қуршаб олган ваҳимага эрк бериш мумкин, деб ҳисобламайдилар. Бунда мен шошилинч равишда КПССнинг фавқулодда съездини чақириш тўғрисидаги, Бош котибни ўзгартириш ҳақидаги ва бошқа даъватларни назарда тутяпман.

Фавқулодда съезд учун ҳаракат режаси ҳам зарур. Хўш, бизда шундай режа борми? Ҳозирча йўқ. Шу сабабли съезд оддий гапхонага айланиб кетади ва аслида унинг очилишига партиянинг келишиб олинган Дастури нусхаси тайёрлаб қўйилмаса, у ҳеч қандай наф бермайди. Келинглар, комиссиянинг бу соҳадаги иши тугашини кутайлик, лойиҳани матбуотда эълон қилайлик, уни партия ташкилотларида, меҳнаткашлар орасида муҳокама этайлик. Ҳар ҳолда бизнинг республикамиз коммунистлари ҳозирча фавқулодда съездни шошилинч равишда чақиришга ўткир эҳтиёж сезмаяптилар, бошқа амалий ишлар ҳаддан ташқари кўп. Иқтисодиётдаги тангликдан чиқиб олиш, одамларнинг нормал турмушини йўлга қўйиш, аввало уларнинг муаммоларини ҳал этиш бизнинг бош вазифамиздир. Шундагина сиёсий муаммоларни оқилона ҳал қилиш учун моддий негиз вужудга келтирилади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсатида

27 июль куни «Комсомольская правда» рўзномасида Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилганлиги ҳақида хабар босиб чиқарилганлиги муносабати билан Олий Кенгаш Раёсати ўзининг 29 июлдаги мажлисида ушбу хабарнинг қай даражада тўғри эканлигини текшириш материалларини ҳамда махсус ўтказилган экспертиза хулосасини кўриб чиқди.

«Комсомольская правда» рўзномасининг 27 июль шанба сонида «Қаттиққўл — қайта қуриш омили» суҳбатидан сўнг (айтганча, бу суҳбатда Ўзбекистон ССР қонуний сайланган халқ депутатларининггина эмас, айни вақтда «шундай вакилларни танлаган» ва «жумҳуриятнинг шундай парламентини» сайлаган халқнинг ор-номуси ва қадр-қимматини камситишга йўл қўйилган») К. Бобожоновнинг қатъият билан ёзилган ахборотида айтилишича, гўёки, 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ шоири, Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Воҳидовнинг машинаси мерганлик милтиғидан ўққа тутилган эмиш.

Тегишли мўътабар идоралар синчковлик билан ўтказган текшириш бу уйдирманинг мутлақо асоссиз эканини кўрсатди, унда сиёсий мақсад ва эҳтимолки, мазкур суҳбатни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган мақсад кўзлангани шундоққина кўриниб турибди. Мутахассисларнинг хулосасига қараганда, автомобиль томидаги эзилган жой ва уч бурчак шаклидаги битта тешик ўт очувчи қурол қўлланганлигининг натижаси эмаслигини, балки атиги бир неча миллиметр ичкарига ўйиб кирган ва ҳатто кабинанинг ички қопламасига ҳам зарар етказмаган қандайдир нарсанинг таъсири натижасида рўй берганлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, кабина ичидаги қоплама билан автомобиль томи орасида бошқа ҳеч қандай ўзга нарсалар топилмади.

Шундай қилиб, Эркин Воҳидов тушган автомашинага ҳеч қандай ўқ отилмагани расман аниқланди. Уйдирма муаллифи ҳам ўзи ўйлаб чиқарган экспертиза ва «мерганлик милтиғи тўғрисида» ҳеч қандай маълумотни келтирмаган эди.

Раёсат мажлисида сўзга чиққан П. Қодиров, П. Қ. Ҳабибуллаев, Э. Т. Шайхов, Ш. Мирзаев ва бошқалар мана шу ёлғон хабар учун Эркин Воҳидовнинг номзоди танлаб олинганги тасодифий эмаслигини алоҳида таъкидладилар. Мана шу сиёсий ифвогарлик ташкилотчилари шоирнинг машҳурлигидан фойдаланиб, республикадаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг мустақил давлат сифатида қарор топиши жараёнига яна бир бор зарба уришга уриндилар.

Машҳур шоирни республика раҳбариятига қарама-қарши қўйиш мана шундай бузғунчилик сиёсатининг бўғинларидан бири эканини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Шу сабабли раёсат аъзолари Ўзбекистон ССР ва унинг раҳбарияти шанига қилинаётган бундай ифвогарликларга чек қўйилишини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг эса, Ўзбекистон ССРнинг оммавий-ахборот воситалари тўғрисидаги амалда бўлган қонунчилигига оғишмай риоя этилишини таъминлашни талаб қилдилар.

Раёсатнинг сўзга чиққан барча аъзолари бундай ифвогарликларнинг аниқ ташкилотчиларини топиш, уларни ишлаб турган жойидан ва лавозимидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш зарур, деган таклифни айтдилар. Улар бу таклифни ўз сайловчиларининг талаблари билан асосладилар.

Мажлисда сўзга чиққан Э. Воҳидов бу ёлғон хабар кўпдан-кўп дўстларимнинггина эмас, оила аъзоларимнинг ҳам тинчлигини бузди, деди. Уйдирма муаллифи бўлмиш К. Бобожоновни мутлақо танимаслигини, у билан учрашмаганлигини, суҳбат қилмаганлигини, ўзига суиқасд қилиш эҳтимолини мутлақо истисно этишини ва шу сабабли тегишли идораларга мурожаат қилмаганини айтди.

Раёсат мазкур масала борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ахборотини тинглаб, текшириш натижаларини кўриб чиқиб, Эркин Воҳидовнинг ёлғон хабар муаллифи билан ҳеч қандай суҳбат қилганим йўқ, деган гапини, ўзим менга суиқасд қилингани эҳтимолини истисно этаман ва бу масала юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилмаганман, деган гапини эътиборга олди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатларига мамлакатдаги ва республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни эътиборга олиб, турли-туман ифвогарларга қарши кўпроқ сергаклик ва сабр-матонат кўрсатиш, ўзларининг халқ вакили деган юксак номидан айрим шахсларнинг мустақил республика кўп миллатли аҳолисининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мутлақо алоқаси бўлмаган хуник мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик тавсия этилди.

Раёсат К. Бобожоновнинг 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилгани ҳақида «Комсомольская правда» рўзномасида эълон қилинган хабарини Иттифоқ ўқувчисини кўпол равишда чалғитиш деб, шунингдек республикадаги вазиятни беқарорлаштириш учун муайян жамоатчилик фикрини шакллантиришга уриниш деб, ҳисоблади.

Жумҳуриятимизда яшаётган баъзи мухбирлар ва мақолалар муаллифларининг ножўя ишлар қилишаётгани таъкидланди. Улар иштирокида баъзи марказий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ССР тўғрисида нотўғри ва нохолис материаллар пайдо бўлди. Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига бундай мухбирлар ва муаллифларнинг хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон ССРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига қай даражада мос келишини ва мавжуд қонун бузилганлик фактлари аниқланган тақдирда материалларни тергов органларига бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети гўёки Ўзбекистон ССР халқ депутатига суиқасд қилинганлиги факти юзасидан жиноий иш қўзғатгани ва тергов олиб борилаётгани тўғрисидаги хабар маълумот учун қабул қилинди. Тергов якунлари юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ахборот бериш республика Давлат хавфсизлиги комитетига топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик ва депутатлик ахлоқ-одоби комиссиясига ҳамда Олий Кенгаш Котибиятининг ҳуқуқ бўлимига қабул қилинган қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Меҳнатидан иззат топганлар

ТУТАШ ЙЎЛЛАР

ЎШАНДА баҳорнинг илк шабадаси уфурган кунлар эди. Маҳамаджон ака ҳордиғини ёзиш учун қизи Раҳимахонга чой буюрди. Раҳимахон иккита болишни дадасининг ёнбошига қўйди. У падари-бузрукворига нимадир гапирмоқчи бўлди-ю, лекин уялди шекилли бир дақиқа жимиб қолди.

— Ҳа, қизим. Мендан ниманидир сир тутяпсан шекилли. — Маҳамаджон ака ийманиб турган Раҳимахонни ёнига ўтказди. — Хўш, нима гап ўзи?

— Дадажон, троллейбус ҳайдашлик курсига ўқишга кирмоқчиман.

— Нималар деяпсан ўзи, қизим. Беш боланинг онаси бўлганингда-я.

Ичкаридан Назира аянинг овози эшитилди:

— Энди қандоқ қиламиз, дадаси?! Қизимиз йигитлардек троллейбус ҳайдайман деб турса. Ўзининг иши қандай яхши — озода, саранжом-сариштa. Санэпидстанцияда ҳамма уни ҳурмат қилади. — Онаизор қизининг кўзларига илтижоли боқди.

— Овозингни баландлатаверма, онаси. Қўшнилардан андиша қил. Агар хоҳиши шу бўлса биз рухсат бердик, майли ўқисин, — деди Маҳамаджон ака Раҳимахонга кўз қирини ташлаб, — Мана бизда, қудратли ва кучли «Локомотив» машинасини қизлар бошқаряпти. Иккита қувватли сим билан юрадиган троллейбусни ҳайдаш нима бўпти.

...Орадан ойлар ўтди. Маҳамаджон ака яшайдиган маҳаллада «Раҳимахон троллейбус ҳайдаётган эмиш» деган хушхабар тарқалди. Назира ая Дўмбрободга энтикиб келди. Қўлини пешонасига соябон қилиб ўша «қайсар» қизини ахтарди.

Топди ҳам. Юмшоқ ўриндиққа ўтириши билан троллейбус жойидан аста силжиди. 2265-машинанинг репродуктори орқали Раҳимахоннинг қувноқ «эълон»и янгради: «Навбатдаги бекат 4-интернат мактаби».

Назира ая кабина ойнасидан қизининг аксини кўрди. Раҳимахоннинг қўнғироқдек овозидан юзига табассум югурди. Бу меҳрибон онанинг ҳожатбарор қизидан розилик аломати эди.

Раҳимахоннинг кўксидаги «Хавф-хатарсиз 500.000 чақирим» белгиси меҳнат фаолиятининг нақадар шарафли эканини кўрсатиб турибди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳеч қандай киши йўқки ўз касбини севмаса.

Жамоа фахри Р. Қамбарованинг босиб ўтган йўлларини эсласак, авариясиз юрувчилар устаси Носир Йўлдошев, Неъмат Султоновлар унга биринчи устозлик қилгани кўз олдимизга келади. Илғор ҳайдовчи бўлишни орзу қилган бу аёл дастлаб 16-троллейбус йўналишида манзилларни яқин қилиб мақсадига эришди. Ўз тажрибасини ва билимини Н. Ҳусаинов, Б. Бобоев каби ёшларга ҳам ўргатди.

Шаҳримиздаги мавжуд 22 та троллейбус йўналишида ҳар куни 300 та машина ҳаракат қилаяпти. Раҳимахон меҳнат қилаётган йўналиш йўловчиларга хизмат кўрсатишда алоҳида афзалликларга эга.

— Кайфиятга кўп нарса боғлиқ, — дейди биз билан суҳбатда 2265-машинанинг ҳайдовчиси Р. Қамбарова. — Эрталабдан чеҳрангизда табассум ўйнаса иш унуми зиёда бўлади. Ўз навбатида йўловчилар ҳам ўзларига тегишли талабларни билишлари керак. Тепангизда туриб кетаётган қарияларни кўрмасликка олиш, чиптани ўз вақтида компостер қилмаслик, тиқилинч пайтида йўловчиларнинг бир-бирларига қўрслик қилишлари асабни бузади. Энг ачинарлиси, смена топшираётганингизда салонда писта пўчоқлари, музқаймоқ қоғозлари ва сомса-нон бурдаларини кўриб куйиниб кетасан. Ахир, жамоат транспортида тартиб сақлаш ва уни кўз қорачиғидек авайлаш ҳар бир йўловчининг юксак бурчи-ку!

Сиртдан қараганда оддий, лекин машаққатли касбга меҳр қўйган Раҳимахон, мана 10 йилдирки, дилида бир олам қувонч билан ҳар тонг йўловчилар хизматига йўл олади. Машинани мукаммал ремонт қилиш қобилиятига эга бўлган моҳир руль соҳибкорининг номи Неъмат Султонов, Николай Юдин, Неъмат Аҳмедов, Ҳадича Бобомуродова каби илғорлар сафида фахр билан тилга олинадиган бўлди. У хизмат қилаётган 2-троллейбус депоси бу йили режадан ташқари 400 минг аҳолига юксак хизмат кўрсатиш, машиналарнинг бир кунлик ўртача ишлашини 11,6 соатга чиқариш, ҳаракат мунтазамлигини 94 фоизга кўтариш, кадрлар қунимсизлиги ва йўловчилар ташиш қийматини 0,5 фоизга туширишни режалади.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

Сергели районида жуда кўплаб турар жой бинолари бунёд этилмоқда. Бу ерда кўплаб савдо шохобчалари ва маданий-маиший объектлар ҳам фойдаланишга топширилмоқда.

СУРАТДА: район аҳолиси учун қурилган ана шундай қулайликлар тасвирланган.

Холмат Мирзакаримов суратлари.

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари олдидан

БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА давом этаётган қайта қуриш, янгиланиш жараёни кўплаб вазифалар қатори халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, ўрта умумий таълим мактаблари учун янги дастур, дарслик ва қўлланмалар яратишни тақозо этмоқда. Чунки ошкоралик шарофати билан амалдаги дарсликлардаги камчилик ва нуқсонлар муаллимлар, мутахассислар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан рўй-рост очиб ташланмоқда, кўплаб таклиф ва истаклар билдирилаяпти.

Мактаб ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда етакчи мавқега эга. Ўқувчиларни ҳар томонлама етук қилиб камол топтиришда айниқса адабиёт дарсларининг ўзига хос ўрни бор. Афсуски, ўрта умумий таълим мактабларида адабиёт фанини ўқитиш бугунги кун талабига жавоб бермайди. Агар жиддий эътибор берилса ҳозирги дастур, дарсликлар, ҳатто кейинчалик мукаммаллаштирилганлари, айтайлик 20-25 йил олдин яратилганларидан фарқ қилмайди. Улардан ўрин олган шундай асарлар борки, ғоявий ва танланган мавзуси жиҳатдан эскирган бўлиб, янгича, тафаккур асосида фикр юритишга даъват этади. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кун талабига жавоб беролмайди.

Шу боис ҳам марказимиз қошида олимлар ва амалиётчи муаллимлардан иборат муаллифлар жамоаси умумий ўрта таълим мактаблари учун ўзбек адабиёти фанидан янги дастур яратишга киришдилар. Билим даргоҳларига ҳар томонлама мукаммал, давр талабига жавоб берадиган ҳужжат тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Эркин Самандаров бошчилигида шу масала бир неча марта муҳокама қилинди. Қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилганини айтиб ўтишим зарур.

Чунончи, амалдаги дастурда рус, Ғарбий Европа ва чет эл адабиёти намуналарини ўрганишга кўп ўрин ажратилган. Аммо азалдан ўз адабиётимиз, халқимизга яқин мамлакатларнинг шоир ва ёзувчилари — Фирдавсий, Жомий, Фузулий, Махтумқули ижодлари ёки турк, форс-тожик, ҳинд, афғон адабиётларини ўргатишга етарли аҳамият берилмайди. Улуғ ижодкорларни ўрганишга соат ажратишда адолат бўлиши керак. Масалан, дарсликларда Гулханий, Махмур ижодига кенг ўрин берилгани ҳолда Машрабнинг ўрганилмаслиги кишини ажаблантиради. Ахир «Хапалак» ёки «Зарбулмасал»дек бадиий қиймати баланд асарлар адабиётимизда йўқми?

Ҳозирги дастур ва дарсликларда адабиётимизнинг кейинги ютуқлари ҳам ўз аксини топаётир, деб бўлмайди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни адабиётшунос қилиб эмас, балки уларни адабиётни ҳис қилиш, сезиш ва севиш руҳида тарбиялашимиз зарур. Бу ишни аввало бошланғич синфлардан бошлаш талаб этилади. Классик ва замонавий адабиётимизнинг ноёб, ибратли жанрларини ўрганиш лозим. Юқори синфларда эса болаларнинг руҳий дунёсига таъсир қиладиганлари бўлсин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчилар ҳузур қилиб ўқийдиган ва ўрганадиган асарлар ўз аксини топмоғи керак.

Яна бир фикр диққатга сазовор, деб ўйлайман. Яратилаётган янги дарсликларга методик адабиётлар ҳам керак. Масалан, Чўлпон, Фитрат, Боту ва бошқалар ҳақида. Шу боис «Ўқитувчи» нашриёти қошида «Ўқитувчига ёрдам» туркумида қатор қўлланмалар чоп этиш зарурга ўхшайди.

Мактабларда тасвирий санъат ва чизмачилик фанларини ўқитишда дарсликлар, кўргазмали қуроллар ва методик тавсияномалар сифати ва уларнинг сони катта аҳамият касб этади. Ўқув қуроллари ва жиҳозлар шунчалик кўп керакки, машғулотларни махсус хоналарда олиб бормаслик муаллимларга катта қийинчилик туғдиради. Ҳозиргача ўқитувчилар кўргазмали қуролларни синфдан-синфга (хона етишмаслиги сабабли) кўтариб юришга мажбур бўлмоқдалар. Кўпинча эса дарслар кўргазмасиз ўтилади, натижада дастур талабига жавоб бермайди.

Келажак авлодни эстетик руҳда тарбиялашда мусиқанинг роли беқиёсдир. Кейинги пайтда мактаб маъмуриятлари бундай таълим тарбиядаги асосий йўналишлардан бири эканлигини англамоқдалар. Шунга қарамай билим даргоҳларида мусиқа дарсларининг савияси ниҳоятда паст. Бунинг асосий сабаби, мусиқа илмгоҳларида таҳсил олаётган талабаларнинг билими саёзлиги, мактабларда керакли методик дастур ва янги замонавий дарсликларнинг йўқлигидир. Баъзи мактабларда мусиқа учун алоҳида синф хонаси ажратиб берилмаган, бошланғич синфларда дарсларни шу соҳа мутахассислари олиб боришмайди. Булардан ташқари кўргазмали қуроллар, халқ санъати усталари ва бастакорларнинг суратлари, диафильм, диапозитив каби кўргазмали воситаларнинг етишмаслиги катта қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Агар марказимиз қошида кўпайтириш ускуналари билан жиҳозланган лаборатория ташкил этилганида ёки ўзимизнинг босмахонамизга эга бўлганимизда бундай қулайликлар ишимизни анча енгиллаштирарди. Энг муҳими, ҳеч қандай сансалорликсиз фарзандларимизни зарур ўқув қуроллари билан таъминлаган бўлардик.

Бугунги кунда республикадаги умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника, педагогика билим юртлари ва педагогика олийгоҳлари 3617 та «Роботрон», «Осиё», «Корвет», «Агат» каби ўқув-ҳисоблаш синфлари комплекси билан таъминланган. Умумтаълим мактабларимизнинг 40 фоизи компьютерлаштирилгани Халқ таълими вазирлигининг катта ютуқларидан биридир. Аммо ўқув жараёнида ўқитувчи учун методик қўлланмалар ва ҳар бир турдаги ҳисоблаш техникасига мўлжалланган дастур билан таъминлаш масаласи аҳволни мушкуллаштирмоқда. Шунга қарамай «Ямаха», «ДВК», «Роботрон», «Агат» компьютерларига ўқув методика қўлланмалари яратилди. Бундан ташқари муаллимлар билимгоҳларида «Ўқитишнинг техника воситаси ва ҳисоблаш техникаси» курси бўйича ўтилаётган дарс соатлари ҳамда дастур ўрганиб чиқилди, таҳлил қилиниб қайтадан кўриб чиқишга тавсия этилди.

Республикамиздаги ўзбек тилида ўқитиладиган махсус мактабларда қўлланмалар етишмаслиги сабабли умумтаълим мактаблари дарсликлари асосида таълим берилмоқда. Бу қўлланмаларда эса нуқсонли болаларга дарс ўтиш жиҳатлари кўрсатилмаган. Шунга кўра махсус мактабларнинг ўқув-методик адабиётларга бўлган талабини таҳлил қилиб, муаллифлар жамоасини туздик. «Ўқитувчи» нашриётида шу йил 16 та, 1992 йилда эса 17 номдаги дарсликлар чиқариш учун қўлёзмалар топширилган. Аммо шу пайтгача ҳали бирорта дарслик нашрдан чиқарилгани йўқ. «Дефектология бўйича комплекс дастур» Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлигининг коллегиясида тасдиқланган эди. Унда республикамиздаги махсус мактаблар ва мактаб-интернатларида 1990/95 йилларда амалга оширилиши зарур бўлган биринчи навбатдаги вазифалар ўз аксини топган. Ўзбек тилида дарсликларнинг йўқлиги ва кўплаб ўқитувчиларнинг талаб-истакларини инобатга олиб, қисқа фурсатда ана шу дастурни чоп этиш зарур деб ўйлайман.

Юқорида айтилган фикрлардан хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки, умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифатини яхшилаш, самарадорликка эришиш учун биринчи навбатда мукаммал дастур ва дарсликлар яратишимиз керак. Шунингдек, етарли шароитга эга бўлишимиз ҳам катта аҳамиятга эга. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб камол топишлари фақат халқ таълими ходимлари эмас, барчамизга боғлиқ. Шундай экан, турли вазирликлар, идоралар, оталиқ корхоналари халқ таълими истиқболига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари зарур.

Бозор муносабатларига ўтганимиз маблағ масаласида анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Нашриётларда қоғоз етишмаётганидан буюртмаларимизнинг муддатлари ўтиб кетаяпти. Тўғри, шароит оғир. Аммо қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Мутасадди ташкилотлар, халқ таълими мутахассислари, олимлар, тадқиқотчи-муаллимларимиз мукаммал дарслик ва дастур яратилишига масъулият билан ёндошиб, бор куч-ғайратларини аямасликларини истардим.

Носир МИРҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги жамғарма ўқув-методика марказининг директори.

Китоб жавонингизга

ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДЛАРИГА

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти бу йил шеърият ихлосмандлари учун таниқли шоирларнинг энг сара асарларини нашрдан чиқаради. Жумладан, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиблари Эркин Воҳидовнинг «Куй авжида узилмасин тор» номи билан чоп этиладиган шеърлар мажмуаси йилнинг энг ўқимишли китобига айланса ажабмас. Тўпламга шоирнинг элга манзур бўлган шеърлари билан бир қаторда, сўнгги йилларда ёзилган асарлари ҳам киритилган.

Таниқли шоир Ж. Жабборовнинг «Кўнглим гўзали» шеърлар жамлами кейинги йилларда ёзилган рубоий ва манзумалардан иборат. Замин қувончлари, одамлар ва замон ҳақида қайғуриш, бугунги кун ташвишларига муносабат каби инсоний ҳиссиётлар тўпламнинг асосий мавзусини ташкил этади. Шу билан бирга, тўпламдан арузнинг рангин жилолари товланган ғазаллар ҳам ўрин олган.

Озарбайжон шоири Самад Вурғуннинг «Тўрт сўз» шеърлар тўпламида халқлар дўстлиги, бахтли келажак, Ватанга муҳаббат мавзулари, қайта қуриш нафаси билан яшаётган ижодкорнинг ёниқ сатрлари жамланган.

Нашриёт бу йил ҳам ёш шоирлар ижодига асосий эътиборни қаратади. Ёш шоир Усмон Қўчқорнинг «Оғир карвон» шеърий тўплами халқимизнинг ўтмиши, бугуни ҳамда келажаги ҳақида жонли манзаралар, лирик фалсафий шеърларга бой бўлиб, ўқувчини ҳаётга янада теранроқ назар солишга ундайди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Кичкинтойлар гулшанида ҳаёт жўш уради, мураббий уларга қизиқарли машғулотларни ўргатади. Расм чизиш, ҳисоблаш, эртак сўзлаш, эрта-индин мактабга бораднган бу болалар идрокини ўстиради. Шаҳримиздаги 172-болалар боғчасида тарбия ана шундай яхши йўлга қўйилган.

СУРАТДА: тарбиячи Санда Рафиқова болалар билан қизиқарли машғулот ўтказмоқда.

Равиль Альбеков сурати.

Турмуш чорраҳаларида

Дилбар суҳбатлар шайдоси

ПРОФЕССОР очиғи фақат кўринишдангина эмас, оддий сўзлашганида писандли танбеҳли сўзларни тез-тез ишлатиши, баланд товуш билан гапириб, сўнг сукут билан тикилиб қараб қўйиши одамни эсанкиратиб қўярди. Лекин унинг табиати анча серқирра бўлиб, нозик қунжакларга борлигини киши яқиндан таниганда тез пайқаб олади, зеро профессор аслида жуда одамохун, ҳам дилкаш киши.

Кунларнинг бирида экспедицияда кечки палов пишгач, домла:

— Ҳар икки кишига бир тоғорачада ош сузилади, кимки ошга талабгор бўлса қозон олдига келиб, тоғорачаси билан қаторга турсин, қаторга турмаганларга ош йўқ, — дедилар.

Ҳамма бирин-кетин бориб қаторга турди. Навбатда турганларга бир назар солгач, аспирантларнинг энг барвасталаридан бирига мурожаат қилиб:

— Муҳаммад, сенга ким билан бирга ош сузай? — дедилар.

Муҳаммад:

— Домла, менга Машариф билан бирга сузинг! — деди.

— Сенга-чи, Сайфи?

— Мен Эргаш билан шерик бўла қоламан, — деб жавоб берди Сайфи.

Барчанинг фикри профессор саволлари атрофида тўпланди ва гап мазмунига ҳамма тушуна бошлади. Чунки Муҳаммад ва Сайфи энг бақувват, барваста, гавдали, ошхўр аспирантлар, Машариф билан Эргаш эса энг кичик, ушоқ, кам овқат ейдиган аспирантлар эди.

Шунда домла баланд товуш билан «Мен икковингни синаш учун атайлаб ўзларингиздан сўраган эдим. Биринг Машарифни, биринг Эргашни танладинг. Бу қилмишларинг учун икковингга бир идишда овқат бераман», дедилар. «Гурр» этиб кулги кўтарилди. Муҳаммад билан Сайфи эса «енг ичидаги» сирлари ошкор бўлиб, бироз ўнғайсизландилар. Лекин қозоннинг тепасига етиб борганларида иккаласи секин товуш билан «Домла, раҳмат!», «Домла, раҳмат!» — деб секин табассум билан ҳамжиҳат ва мамнун ҳолда ош кўтариб келишар эди, чунки домла уларга ошни ҳамма қатори сузиб, яна устига 2 кафгир ортиқча ҳам ташлаб берган эдилар.

Кечки овқатдан кейин дала шароитида ҳар куни гангир-гангур суҳбатлар бўлади. Домла энг кўп суҳбат берадилар, бошқалар бажонидил эшитишади. Наманган боғларидаги ҳар турли мевалар ҳақида, ака-ука боғда қолишганида оч бўри уларни туни билан пойлаб чиққани, дастлабки ишни эса шофёрликдан бошлаганлари ва ҳоказолар ҳақида ажойиб суҳбатлар...

Кунларнинг бирида домла, талабалик йиллари икки ўртоқ бир ҳолва сотувчи қизга хуштор бўлиб қолишганини ҳикоя қилиб берганлар.

Ҳикояни эшитиб бўлгач, ҳамма уйқуга кетди, бироқ мен ухлай олмай қайта ўрнимдан туриб шу ҳикояни қоғозга тушириб домлага ўқиб бердим ва ётиб ухладим. Шундан бери профессор неча маротаба, ўша ҳикояни яна ўқиб бер, деб илтимос қиладилар, гўё у ҳикоя менки бўлиб қолгандай. Мана ўша ҳикоя.

... 1944 йил мен Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илмгоҳининг биринчи курсида ўқирдим. Шу йили ёз ойларида Намангандан келган ўртоғим Ғуломжон иккаламиз ҳар ҳафтада, деярли ҳар куни Оққўрғондан эски шаҳарга кетадиган бўлдик. Сабаби, ўша ерда Эски Жўвадан тушиб келаверишда бир қиз ҳолва сотар эди. Келишимиздан асосий мақсад, ўша қиздан ҳолва олиб ўзини бир кўриб кетиш бўларди.

Ғулом иккаламиз гоҳ эрталаб, гоҳ тушда йўлга чиқиб трамвайда Эски Жўвага етиб борамиз. Ҳар сафар тепаликдан тушиб келаётганимизда узоқдан ҳолвачи қизнинг ҳар кунгидек майин, ёқимли, бизни мафтун қилган товуши эшитилади. У паст овоз билан, сўзларни дона-дона қилиб, бироз чўзиброқ: «Ма-за-ли ҳолва, ши-рин ҳол-ва, маз-за қила-сиз», деб харидорларни ўзига жалб қилаётганини эшитибоқ кўнглимиз орзиқиб кетади. Бозорга етиб келгач дарров ҳолва харид қилишга бормай, қизни бироз ўзоқроқдан томоша қиламиз. Унинг одамларга табассум билан ҳолва узатиши, ажойиб, кишини эритувчи: «Кеб қолинг, ши-рин ҳолва!» деган сўзлари, олти ёки саккизта қилиб ўрилган узун сочи, узун киприклари, доим ўзгармас, бир хилда бўлади.

Ғулом билан унга яқинлашиб ҳолвасидан оламиз. Ҳолва олаётиб Ғулом қиз билан банд бўлганида, мен қизни томоша қилар, мен билан муомалада бўлганида Ғулом томоша қилар эдик. Аммо биз ҳолва олишдан бўлак бирор ортиқча гап гапирган эмасмиз. Ғулом билан нарироққа бориб, ҳолва еб қизни яна томоша қилар эдик. У ҳам гоҳида бизга кўзи тушиб, сезилар-сезилмас жилмайиб қўярди.

Ҳолвачи қизнинг кўйлаги нафис гулли читдан тикилган бўлиб, оёғида анчагина кийилган ковуш, қулоқ пасти юзига ёпишиб кетган, бундай қулоқларга зирак жуда ярашади, аммо унинг зираги йўқ эди.

Кечга яқин унинг чарчагани кўзларидан шундай сезилиб турар, аммо гўзаллиги, кишини мафтун қилиши ҳеч ўзгармасди. У вақтларда Эски шаҳар бозорида ҳолвафурушлар жуда кўп бўларди. Аммо, биз фақат шу қизнинг ҳолвасидан олиб, юқорида айтганимдек роса еб, сўнгра кетар эдик.

Шундай ажойиб кунларимиз бир йил давом этди. Иккинчи йили ёз кунларининг бири Эски жўвадан тушиб келаётганимизда ҳолвачи қизнинг товушини на мен, на Ғулом эшитдик. У ёқ-бу ёққа алангладик. Ҳолвачи қиз кўринмади. Ахтариб тополмагач, икков бориб ўша жой яқинида атторлик буюмлари сотиб ўтирган хотинларнинг биридан сўрадик:

— Ҳола, ҳолвачи қиз қани?

— Ҳолвачи қиз Кўктеракка узатилди, — деди аттор хотин. Калас томонга.

Шу куни Ғулом иккаламиз хомуш бўлиб қайтиб келдик. Эски шаҳарга қатнашимиз ҳам шу билан тамом бўлди.

— Бу воқеага анча йил бўлган бўлса ҳам ҳолвачи қиз, мис баркашдаги ҳолва ва унинг майин товуш билан «Кеб қолинг...» деган сўзлари ҳалиҳали хаёлимдан кетмайди, — деди профессор синиқ товуш билан.

Тингловчиларнинг ҳикоя тугаганидан кейин ҳам жим қолиши гўзал қиз ҳолва сотган Эски шаҳарни ва у келин бўлиб тушган Кўктеракни ҳар бири ўзича тасаввур қилаётганининг далили эди.

Ҳозир ҳам Кўктеракка кетма-кет машина қатнаб турибди, аммо уларнинг ҳеч бири на профессорнинг дилидаги, на унинг ҳикоясини эшитганларнинг кўнглида алоҳида-алоҳида пайдо бўлган ҳолвачи қиз келин бўлиб тушса ярашадиган ажойиб, зилол яproқлар билан қопланган тоза ҳаволи, боғларининг ҳовлилари гуллар билан ороланган Кўктеракка олиб бормайди. Чунки у ҳолвачи қиз келин бўлиб тушган Кўктерак энди армон ва ширин орзу. Кўктераги эканлигини — ошиқликни бошидан кечирганлар билишади. У Кўктерак ҳеч маҳал эскирмайдиган ва ҳеч ҳам етиб бўлмайдиган Кўктеракка айланган.

Ҳикоямиздаги профессор — техника фанлари доктори, дилбар суҳбатлар шайдоси, ўзи ҳам дилбар суҳбатдош Олимжон ака Каримов бўладилар.

Иноят ФАЙЗИЕВ.

КИМ ТЕЗ ЧОПАДИ!

ФРАНЦИЯЛИК спринтер Даниэл Сангума тез чопишда... от билан мусобақалашди. Саксон метрлик масофада аввалига спринтер олдинда борди. Аммо эмо ўтмай от уни қувиб ўтди ва мусобақа ғолиби бўлди. Натижада инсоннинг бир сонияда ўн метргача тезлик билан чопа олиши, отнинг эса 19—20 метргача чопиши маълум бўлди. Фақат одам жойидан тезроқ қўзғалар экан.

ТАҚАЛАР ЙИҒМАСИ

АНГЛИЯДАГИ Ратленд деган жойда Окем саройи мавжуд бўлиб, унинг залларида дунёда ягона коллекция ташкил этилган. Олти аср мобайнида бу ерда тақалар йиғилади. Анъанага мувофиқ бу ерга келувчилардан эсдалик совғаси сифатида турли катталиқдаги тақалар олиб келиш талаб қилинади. Овқатланиш столи катталигидаги тақалар ҳам коллекциядан жой олган. Совғалар ичида қиролича Елизавета, Англиянинг собиқ вазири Уинстон Черчилл ва бошқа машҳур кишилар номи билан боғлиқ тақаларни ҳам кўриш мумкин.

КАСАЛЛИК САБАБЧИСИ

АМЕРИКАЛИКЛАР орасида янги экологик касаллик пайдо бўлди. Ҳозирги америкаликни ўраб турган барча-нарсалар унинг аллергияга учратадиган, юрагини сиқишдан бош айланишига олиб келадиган, баъзи озуқа маҳсулотларни кўрганда кўнгли айнайдиган бўлиб қолди. Буни ҳисобга олиб Калифорния ва бошқа жойларда махсус истиқомат жойлари ташкил этилди. Жумладан, Калифорниядаги истиқомат жойидаги беморлар металл, шиша ва бўялмаган пахтадан тикилган кийимлардан фойдаланадилар. Атроф дарахт, намлик, туман, чанг ва кўпгина бошқа нарсалардан ҳолис қилинган бўлиб,

Турфа олам

ҳатто рўзнома ва ойномалар ҳам ойна тагида ўқилади. Беморлар ташқарига чиқишни хоҳлаганларида ниқоб ёки кислород баллонларини кийиб оладилар. Текширишларга кўра, Спрептокок янги штамми инсон организмига зарарли таъсир этиб, иммун системасини бузиши янги касаллик сабабчиси деб топилмоқда.

ШАМОЛДАН ҚУВВАТ

ДАНИЯ Болтиқ денгизида ўн битта двигателли шамол электр станциясини ишга туширишни режалаштирмоқда. Станциянинг бетон асоси қирғоқдан 1,5—3 километр узоқликда қўйилиб бўлинди. 12 киловольтли кабелдан қуруқликка йилига ўн икки киловат-соат электр қуввати келиши кутилмоқда. Икки мингинчи йилга бориб шамол электр станциялари берадиган қувват миқдори ўн фоизга етиши мўлжалланмоқда. Швецияда ҳам шу турдаги электр станциялари, жумладан «Сванте 1» қуриб битказилмоқда.

КАПАЛАКНИНГ ТОВЛАНИШИ

КАПАЛАК ва қўнғизларнинг кўзни қамаштирадиган ранг-оранг бўёқларда товланиши ҳаммада завқ уйғотади. Шуни ҳисобга олган немис Кимё фирмаларидан бирининг ходими Вернер Остертаг интерференцион бўёқлари яратиб, юқорида айтилган табиий бўёқлар самарасига эришди. Қалинлиги ўн беш микрометр бўлган алюминийдан ясалган балиқ тангаларини эслатувчи намуналар темир оксиди билан қопланади. Нурнинг тушиш бурчаги, интенсивлиги ва бошқа омилларга кўра ялтироқ алюминий билан темир оксиди турли самара бериб, гўзал товланадиган бўёққа ўхшаш кўринади. Олтин рангдан қизғиш ранггача товланадиган янги пигментлар шу йил ишлаб чиқарилади ва асосан автомобиллар, керамик ва пластмасса буюмларни бўяшда қўлланилади. Янги бўёқлардан тасвирий санъатда ҳам фойдаланиш кўзда тутилмоқдаки, бунда самара бирмунча юқори бўлиши тажрибаларда исботланди.

ЮЛДУЗЛАР ОРАСИДА

КОИНОТДА метан, сув, водород, аммиак ва бошқа шу каби моддаларнинг молекулалари мавжудлиги аниқланганди. Эндиликда юлдузлараро масофаларда карбонат ангидрид — илмий адабиётда «қуруқ муз» деб аталувчи моддаларнинг ҳам мавжудлиги исботланди. Янги илмий кузатув Франция ва Нидерландия олимлари ҳамкорлигида «УРАС» халқаро ер йўлдоши ёрдамида амалга оширилди.

Қудрат АҲМЕРОВ,
кимёгар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИ

1991—1992 ўқув йили учун

ДОРИЛФУНУН ҚОШИДАГИ

90-ЎРТА МАКТАБНИНГ 10-МАХСУС СИНФЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БУ МАХСУС СИНФЛАРГА 1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАКТАБНИ «АЪЛО» БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАН ЎҚУВЧИЛАР КОНКУРС АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Конкурс шартларида ўқувчиларнинг иқтисодиёт фанига бўлган майли (иштиёқи) эътиборга олинади.

Ҳужжат қабул қилишдан олдин касб танлаш бўйича суҳбат ўтказилади.

Махсус синфга кирувчилар билан математика (оғзаки), она тили ва адабиётидан (оғзаки) ва чет тилидан (оғзаки) суҳбат ўтказилади.

Суҳбатдан муваффақиятли ўтолмаган ўқувчилар ўқишни ўз мактабларида қайта давом эттирадилар.

Махсус синфни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан тамомлаганлар дорилфунуннинг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз конкурсга қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқишга қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: мактаб директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, мактаб ўқитувчилари кенгаши тавсияномаси, характеристика, 8 дона фотосурат (3x4).

Ҳужжатлар 10 августдан 25 августгача қабул қилинади.

Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 90-мактаб, қабул комиссияси

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг тажрибавий ҳажмли-блокли уйсозлик экспериментал комбинати қошидаги
5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1991 — 1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИ КАДРЛАРНИ ТАЙЕРЛАЙДИ: бўёқчи-суводчи, қурилиш дурадгори, электр пайвандчи, суводчи-пардозловчи-плиткачи, ғишт терувчи.

Билим юртига 6 ва 10 ойлик группаларда ўқиш учун Совет Армияси сафида харбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотлилар қабул қилинади.
3 йиллик гуруҳларга эса 9-синфни битирганлар қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ — УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга ўрта маълумот тўғрисида диплом ва эгаллаган касби бўйича малака разряди ҳақида диплом, 6 ой ва 10 ой ўқиганларга эгаллаган ихтисоси бўйича диплом ва малака разряди берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини «Главташкентстрой»нинг қурилишларида ўтказадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизи тўланади. Ҳамда ҳар ойда 6 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 160 сўмдан, 10 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига эса 80 сўмдан, 3 йил ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 40 сўмдан нафақа берилади.

3 йиллик гуруҳларда ўқийдиган ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал овқат ва бепул кийим-бош билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик, нақш тўгаракларини ва спорт секциялари мавжуд.

БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), характеристика, яшаш жойидан ва соғлиғи ҳақида маълумотлар, 6 дона сурат (3x4 см).

Билим юртининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ленин районы, Астрахан кўчаси, 12-уй, 5-ўрта ҳунар-техника билим юртн, 66, 161, 55-автобусларнинг «57-мактаб»; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси»; 5, 26-трамвайларнинг «Восток» кинотеатри»; 1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекатлари.

Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ТАЖРИБАВИЙ ҲАЖМЛИ БЛОКЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ДИҚҚАТ!

Радиотелевизион аппаратураларни таъмирлаш бўйича билим олмоқчи бўлсангиз

7-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Ўқиш — кундузги ва сиртқи.

МАШҒУЛОТЛАР — 1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 22-алоқа бўлими, Фрунзе районы, Қушбеги кўчаси, 8-уй (Тошкент тўқимачилик комбинати қаршисида).

«Тоғ шаршаралари — нақадар гўзал!»
Олег Однянов сурат-лавҳаси.

Сўраган экансиз...

НЕГА ОТИ ЙЎҚ?

Айни шу ёз кунлари эски уйдан чаён чиқадиган ҳоллар бўлади. Бу заҳарли ҳашаротнинг хусусияти, у чаққанда қандай чора қўллаш ва йўқотиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Зуҳра ОДИЛОВА.

Зиё Саид кўчасида истиқомат қилувчи нўп болали она.

ЖОНЗОТЛАР оламида чаёнлар умуртқасизлар қаторига кириб, ўргимчаксимонлар синфига мансубдир: уларнинг 500 тури борлиги аниқланган, мамлакатимизда чаёнларнинг 12 хили тарқалган. Халқимиз бу турқи-таровати совуқ махлуқни «Оти йўқ» деб ҳам аташади, гўё оти айтилса инидан чиқиб келар эмиш. Мана бу топишмоқни ҳам эслатиб қўймоқчимиз:

Бир отим бор ажабгина
Думлари гажакнина.
Ҳали келса кўрасиз,
Кула-кула ўласиз. (Ву — чаён!)

Энди унинг кўринишидаги шакли-шамойили билан танишинг: танаси 1—18 сантиметр, бош кўкрак ва бўғимларга бўлинган қорин қисмларидан иборат. Қориннинг охирги бўғимида иккита заҳарли безн бор. Унинг йўли учи қайрилган найзага очилган. Бу ўлжага ҳужум қилиш ва душмандан ҳимояланиш вазифасини бажаради. Бош кўкрагида 3—6 жуфт кўз ва 6 жуфт оёқ жойлашган. Ўпка халтачаларининг йўли қориннинг 3—6-бўғимидан ташқарига очилган.

Чаёнлар тунда серҳаракат бўлишади. Ҳашаротлар мингоёқлар, ўргимчаклар билан озиқланади. Тирик туғади. Боласи дастлабки 10—15 кун онасининг устида яшайди. Чаёнлар тропик, субтропик, саҳро ва сернам тропик ўрмонларда кенг тарқалган. Тропиклардаги баъзи йирик турларининг заҳари одамни тил торттирмай ўлдиради.

Чаён чаққан жойда кучли оғриқ сезилади. Шу оғриқ қон томирлари ва асаб толалари орқали бутун аъзойи-танга тарқалади. Чаққан жой қизийди, баъзи бир ҳолларда эса «музлаб», жонсизланади, қичишади. Қизариб шишади ва гоҳо унда пуфакчалар пайдо бўлади. Бемор ҳолсизланади, боши айланиб оғрийди ва эти увишади.

Чаён чаққан жойга тезда новшадил спирти суртилиб, иссиқ қилинади. Чаққан жойига саримсоқ ёки пиёз янчиб қўйиш ҳам мумкин. Ёки хлор оҳаги эритмасига латта ҳўллаб боғлаш зарур. Баъзан марганцовка билан ванна қилинса ҳам яхши бўлади. Бу махлуқ чаққанда зудлик билан шифокорга хабар қилишни унутмаслик керак. Шифокор чаён чаққан жой атрофига новокаиннинг 2 фоизли эритмаси ёки калий перманганатнинг бирга минг нисбатидаги эритмаси билан бир неча бор укол қилиши лозим. Бундан кейин эса, бемор томирига антитоксин зардоб юборилади. Оғриқ қолдирувчи промедел, морфин, амидопирин ва юракни қувватлайдиган дори-дармонлар берилади. Мана шундай даво чоралари ўз вақтида қўлланса, озорланган бемор тез ва асоратсиз тузалади.

Хўш, чаёнлар қандай жойларда кўп учрайди? Чаёнлар асосан намли, қоронғи уйларда пайдо бўлади. Улар кўпроқ лойдан қурилган пахсали, гувалали уйларда бўлади. Қаерда тозалик бўлмаса, ҳашаротлар ўша ерда кўпаяди. Баъзи ҳолларда яшаётган уй озода бўлади-ю, атроф ифлос, қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Ана шундай жойлар ҳам ҳашаротларнинг кўпайишига омиллик туғдиради. Баъзан ҳовлиларда ҳожатхоналар, молхоналар ўрни алмаштирилиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчирилади. Эски жойлар эса қаровсиз қолади. Бундай ҳолларда ҳам чаён ва бошқа ҳашаротлар пайдо бўлиши мумкин.

Зарарли ҳашаротларни, чаёнларни йўқотиш чора-тадбирлари унчалик қийин эмас, дезинфекция қилиш керак. Бу иш билан аслида район санитария-эпидемиология станцияси, касалликларнинг олдини олиш, профилактик дезинфекция бўлимлари шуғулланишлари лозим.

Одатда уй шароитида дезинфекция тадбир-чоралари турлича усулда ўтказилади. Кимёвий усулда ҳашаротларни қириш кенг тарқалган ва самарали усул ҳисобланади. Бунда дуст порошоги, эритмалар, сувли эмульсия ва суспензия, аэрозоллар, совун, шам-қалам ҳолида қўлланилади. Пуркаш махсус флаконлардан ёки ноксимон резина баллонча ёрдамида амалга оширилади. Суюқ моддалар чўтка, мўйқалам, пульверизатор, поршенли пуркагичлар девор, мебель, тўшак ҳамда чаён бор жойларга сепилади.

Чаёнга қарши ишлатиладиган кўпчилик кимёвий моддалар одам ва ҳайвонларда заҳарлаш хусусиятига эга эканлигини эътиборга олиб, уларни ишлатишда қуйидагиларга амал қилиш керак: заҳарли моддалар ишлатиб бўлингандан кейин қўлни яхшилаб совунлаб ювиш, заҳарли моддаларнинг тери ва кўзга тегишидан сақланиш зарур. Заҳарли модда солинган идишни озиқ-овқатга ишлатиш ва заҳарли моддаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёнма-ён сақлаш асло мумкин эмас. Заҳарли моддалар сепилган хона ва буюмларни яхшилаб артиб, шамоллатиб, шундан кейингина фойдаланиш мумкин.

Агар уй-жойларда чаён ва бошқа зарарли ҳашаротлар кўпайиб кетгудек бўлса, зудлик билан дезинфекция станциясига ёки шаҳардаги район санитария-эпидемиология станцияларига мурожаат қилиш керак.

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
биология фанлари номзоди.

Кунлардан бир кун

ЯХШИЯМ ТУҒИЛМАГАНИМИЗ

АТОҚЛИ фантаст ёзувчи Айзек Азимов бир куни тасодифан ғалати бир мижғов одам билан суҳбатлашиб қолади. Мижғов ҳамсуҳбатининг энсасини қотириб дамбадам оғзини катта очиб эснар, икки гапнинг бирида ўтмишни мақтаб, ўша «дориломон замонлар»ни қўмсарди.

— Юз йиллар муқаддам турмуш роса зўр бўлган экан! У замонда туғилганлар беармон яшаган. Қаролсиз уй бўлмаганмиш ўшанда. Камида иккита-учта қарол. Хизмат ҳақи арзон — текин экан деярли.

— Менга қолса ўша замонлар ўтиб кетгани хўб яхши бўлган экан, — деди адиб, унинг гапларини хушламай.

— Ёпирай, нега?!

— Яхшиям туғилмаганимиз, — деди таъби тирриқ бўлган ёзувчи,—мабодо ўша замонда таваллуд топсак борми, гапнинг очиғи, сиз билан биз қаролликка жуда боп эдик.

Тожибой ЮСУФАЛИЕВ
тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Мактаб бозорлари—мактабда!

Гарчи олтин ёз авжида бўлса ҳам оилаларда мактаб ҳақидаги гап-сўзлар тез-тез тилга олинмоқда. Бу тушунарли, албатта. Ахир болалар дам олиб, сайр-саёҳат қилиб, янги ўқув йилига куч тўплаётган ҳозирги дамларда катталар мамлакатимизнинг ёш фуқароларига мактаб машғулоти учун керакли бўладиган барча зарур ўқув-ёзув қуролларини тайёрлаш билан машғулдирлар.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР, БОБО ВА БУВИЛАР!
БУ ЙИЛ БИРИНЧИ МАРТА
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

1991 йилнинг 10 сентябригача
Ўқиш жойида — яъни мактабларда
Мактаб-ёзув моллари савдосини

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Бу тадбирда шаҳримизнинг: «БОЛАЛАР ДУНЕСИ» чакана-савдо фирмаси, «ТАШКУЛЬТТОРГ», «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ», «ТАШОБУВЬТОРГ», БОШ УНИВЕРСАЛ ДЎКОН, МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ ДЎКОН, «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ ДЎКОНИ, ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ, «ШУҲРАТ» МАКТАБ-ДЎКОНИ, СИРҒАЛИ РАЙОН САНОАТ МОЛЛАРИ САВДОСИ ИДОРАСИ, «УЛУҒБЕК» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ ДЎКОНИ, БЕКТЕМИР РАЙОН САВДО ИДОРАСИ, «ЮНУСОБОД» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ ДЎКОНИ, ТЕМИРЙЎЛ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИНИНГ МАКТАБ ДЎКОНИ каби савдо **ташкилотлари иштирок этади.**

Савдонинг бу усули ота-оналар учун муайян қулайликларни яратиб, уларнинг вақтини тежашга ва ўқиш учун зарур бўлган барча нарсаларни бир йўла харид қилиш имконини беради. **Бу ерда:** ЎҚУВ ДАФТАРЛАРИ, РАСМ ДАФТАРЛАРИ, ГОТОВАЛЬНЯЛАР, АВТОРУЧКАЛАР, ОСМА ПОРТФЕЛЛАР, ОДДИЙ ПОРТФЕЛЛАР ВА БОШҚА МАКТАБ-ЁЗУВ АШЁЛАРИ, ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР УЧУН МАКТАБ ФОРМАСИ, ФАРТУКЛАР, КЎЙЛАКЛАР, ПИОНЕР ФОРМАЛАРИНИ харид қилишингиз мумкин.

Мактаб ўқитувчилари ва маъмурияти машғулотларда болаларга қандай моллар ва қандай миқдорда керак бўлишини айтиб, амалий ёрдам беришади.

Мактаб формаси 50 фоиз, «болалар» артикули билан белгиланган пойабзаллар эса — 30 фоиз имтиёз билан сотилади.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН МАКТАБЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР:
129 — Назарбек кўчаси, телефон 47-44-94;
229 — 23-мавзе, телефон 74-07-20;
73 — Зиё Саид, телефон 47-49-55;
78 — 24-мавзе, телефон 72-33-50;
189 — 12-мавзе, телефон 76-26-10;
238 — 21-мавзе, телефон 74-14-59;
295 — 31-мавзе;
297 — Ўрикзор;
109 — Меҳмондўст кўчаси, телефон 47-49-00;
БЕКТЕМИР РАЙОНИДАГИ МАКТАБ:
290 — Жертанская кўчаси;
КИРОВ РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР;
80 — Марказ — 5, телефон 35-44-39;
88 — Ж. Обидова кўчаси, телефон 34-39-92;
150 — Уста Ширин кўчаси, телефон 48-34-58;
235 — Юнусобод, 8-мавзе, телефон 21-08-59;
246 — Юнусобод, 13-мавзе, телефон 24-78-54;
257 — Юнусобод, 19-мавзе, телефон 22-37-71;
302 — Юнусобод, 4-мавзе, телефон 24-18-10;
63 — Шаҳристон, телефон 35-89-86;
273 — Юнусобод, 15-мавзе, телефон 22-69-91;
КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР:
211 — Гулсанам, телефон 64-04-77;
Ўқув ишлаб чиқариш комбинати — Ж. Обидова, 7«а», телефон 62-15-37;
210 — 1-ТТЗ даҳаси, телефон 64-69-82;
209 — 1-Қорасув даҳаси, телефон 65-73-44;
205 — 2-Шимолий-Шарқ даҳаси, телефон 63-56-87;
286 — Улуғбек посёлкаси;
256 — Ойдин даҳаси, телефон 64-83-12;
187 — Високовольтний даҳаси, телефон 62-69-61;
222 — Иркутск, 15, телефон 65-08-48;
99 — Новомосковская, телефон 35-35-72;
СИРҒАЛИ РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР:
456 — Қўйлиқ, 5«б», телефон 92-07-93;
301 — Сирғали, 8«а»
285 — Йўлдош 16, телефон 57-74-15;
7 — Сирғали 3, телефон 58-22-50;
6 — Сирғали 2, телефон 58-24-64;
ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР:
103 — 1-мавзе, телефон 77-23-65;
182 — 6-мавзе, телефон 78-93-16;
162 — 3-мавзе, телефон 77-23-49;
200 — 20-мавзе, телефон 76-49-88;
126 — Алгоритм, 2, телефон 75-29-42;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР:
111 — Чиғатой кўчаси, 277, телефон 40-08-19;
119 — Нодира кўчаси, 19, телефон 40-01-79;
146 — Марказ-7/18, телефон 40-08-08;
165 — Қорақамиш 1/4, телефон 48-64-25;
196 — Қорақамиш 2/1, телефон 29-72-52;
243 — Беруний кўчаси, телефон 46-33-07;
28 — Қорасарой, 219, телефон 48-09-85;
134 — Тансиқбоев даҳаси, телефон 29-31-96;
ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР;
118 — Глинка кўчаси, 21, телефон 55-43-88;
144 — Виборгская, 2, телефон 53-29-48;
91 — Педагогика, 40, телефон 55-37-86;
26 — Ш. Руставели кўчаси, 17;
ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР:
156 — Жарқўрғон кўчаси, 4, телефон 91-47-82;
244 — Добролюбов кўчаси, 35, телефон 95-68-40;
255 — Гўзал даҳаси, Оҳангарон узун кўчаси, телефон 97-57-91;
ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР;
41 — Уйғур кўчаси, 101, телефон 42-24-14;
84 — Халқлар дўстлиги кўчаси, телефон 45-43-43;
137 — Хуршид кўчаси, 102, телефон 41-89-50;
262 — Ибн Сино даҳаси, телефон 45-49-99;
13 — Самарқанд дарбоза, 83, телефон 45-65-24;
39 — Генерал Узоқов кўчаси, 222, телефон 46-66-29;
59 — Навоий кўчаси, телефон 44-31-71;
40 — Оқсой, 4, телефон 42-34-31;
ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ МАКТАБЛАР:
110 — Т. Шевченко кўчаси, 12, телефон 56-12-20;
263 — Қўйлиқ даҳаси, 3, телефон 90-05-25;
294 — Бехтерев даҳаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Савдо бош бошқармаси.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРГА 9—10 СИНФНИ БИТИРГАНЛАР:

Совутиш машиналари ва мосламаларини ишлатиш, созлаш ва тузатиш; корхоналарда ва турар жойларда электр асбобларни созлаш ва ишлатиш; роботлар ва программали жиҳозларни ишлатиш ва созлаш; электрон ҳисоблаш воситаларини ишлатиш ва созлаш; автоматлаштирилган системаларни созлаш ва ишга солиш; автоматлаштирилган системаларни ишлатиш ихтисослари бўйича.

СИРТҚИ БЎЛИМГА 11 СИНФНИ БИТИРГАНЛАР;

Совутиш машиналари ва мосламаларини ишлатиш, созлаш ва тузатиш; корхоналарда ва турар жойларда электр абобларини созлаш ва тузатиш; электрон ҳисоблаш воситаларини ишлатиш ва созлаш ихтисослари бўйича;

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ КЕЧКИ БЎЛИМГА 11 СИНФНИ БИТИРГАНЛАР:

Электр машинаси ва жиҳозларини ишлаб чиқариш ихтисослари бўйича.

Бўлим манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, Ленин ноҳияси, Манжара кўчаси, 3-уй. Телефон 91-29-15.

«Узэлектромаш» бирлашмаси қошидаги кечки бўлимга 11 синфни битирганлар:

Корхоналарда ва турар жойларда электр асбобларини ишлатиш ва созлаш; электрон ҳисоблаш воситаларини ишлатиш ва созлаш ихтисослари бўйича.

Бўлим манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Сирғали ноҳияси, 47-ўрта ҳунар-техника билим юрти.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун),

Паспорт (туғилганлик ҳақида гувоҳнома), ҳарбий мажбурият ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига кўрсатилади.

Кундузги бўлимларга кирувчилар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар.

9-синфни битирганлар; математика (оғзаки), она тили (диктант).

11 синфни битирганлар; математика (оғзаки), адабиёт (иншо).

Сиртқи ва кечки бўлимларга кирувчилар фақат битта — математикадан — оғзаки имтиҳон топширадилар.

Маълумоти ҳақидаги ҳужжатида фақат «4» ва «5» баҳолари бўлган шахслар имтиҳонсиз, суҳбат йўли билан қабул қилинадилар.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри — 700041, Куйбишев ноҳияси, Бабушкин кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 62-56-27, 62-84-41, 62-87-01, 62-15-71.

Транспорт: 17, 71, 83, 94-автобусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати; 4-автобуснинг «Морозов кўчаси» бекати. 6, 13, 22-трамвайларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати. 9, 18-троллейбусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати, 17-троллейбуснинг «Победа кўчаси» бекати.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «САЙЁҲ-ИНТУР» БИРЛАШМАСИ
«САФАР БЕХАТАР» КИЧИК КОРХОНАСИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА ЧЕТ ЭЛЛАР БЎЙЛАБ

ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

КИЕВ-СОФИЯ-ПЛОВДИВ-ШИПКА-РУССЕ (БХР) — 7 кунга, сентябрь ойида. Баҳоси — 2300 сўм.

КИЕВ — «ВУТЕЧИЧ» теплоходида (Днепрдан Қора денгизга) — 29 августдан 13 сентябргача. Баҳоси — 1680 сўм.

ЯЛТА-СТАМБУЛ — 6 кунга. Баҳоси — 4250 сўм. 18 сентябрдан.

АДЛЕР (меҳмонхона) — 16 кунга, 5 сентябрь, 21 сентябрь, 7 октябрдан. Баҳоси — 790 сўм.

МИНСК (меҳмонхона) — 5 кунга, 6 сентябрдан. Баҳоси — 550 сўм.

СОЧИ («Приморская» меҳмонхонаси) — 7 кунга, 16 сентябрь, 23 сентябрь, 30 сентябрь, 7 октябрь ва ҳоказолардан. Баҳоси — 530 сўм.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ-ГЕРМАНИЯ — 7 кунга, 14 сентябрь, 11 октябрдан. Баҳоси — 3140 сўм.

МОНГОЛИЯ — 7 кунга, 16 октябрдан. Баҳоси — 1755 сўм.

ҲИНДИСТОН (Деҳли) — 7 кунга, 18 октябрдан.

ОДЕССА (меҳмонхона) — 5 кунга, 12 сентябрдан. Баҳоси — 550 сўм.

КИЕВ (интурист) — 5 кунга, 27 сентябрдан. Баҳоси — 480 сўм.

ПОЛЬША — 6 кунга, октябрь, ноябрь ойларида.

ЛЕНИНГРАД (меҳмонхона) — 5 кунга, 24 августдан. Баҳоси — 650 сўм.

МУРМАНСК-НОРВЕГИЯ — 8 кунга. Баҳоси — 4100 сўм.

ПЕРМЬ (меҳмонхона) — 15 кунга, 14 августдан. Баҳоси — 620 сўм.

МОСКВА-БОЛГАРИЯ-ТУРКИЯ-ГРЕЦИЯ — 12 кунга. 15 сентябрь, 25 сентябрдан. Баҳоси — 7000 сўм.

ЕВРОПА БЎЙЛАБ, «И. ФРАНКО» теплоходида — 3 октябрдан 30 октябргача. Баҳоси — 30000 сўм.

Маълумотлар олиш учун: 78-30-22, 78-57-54, 97-88-03, 55-05-23 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

«САФАР БЕХАТАР» КИЧИК КОРХОНАСИ.

САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР — ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА!
ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
бутун август ойи давомида,
ЯЪНИ ҲАР ЖУМА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ
9—11, 16—18, 23—25, 20—31 АВГУСТ СОАТ 8 ДАН 19 ГАЧА
шаҳарнинг барча районларида

МЕВА-САБЗАВОТ ЯРМАРКАЛАРИ ИШЛАЙДИ

Жумҳуриятимизнинг мева-сабзавотчилик хўжаликлари ярмаркага — янги картошка, пиёз, сабзи, карам, саримсоқпиёз, помидорлар, лавлаги, булғари қалампир, бақлажон, мевалар, узум, тарвузлар, шунингдек, консерва маҳсулотларини етказиб берадилар.

РАЙОН ЯРМАРКАЛАРИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА ИШЛАЙДИ:

ГОСПИТАЛЬ БОЗОРИ — (Самарқанд вилояти, Ленин район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

ФАРҲОД ЯРМАРКАСИ, Шайхзода кўчаси бўйлаб — (Андижон вилояти, Акмал Икромов район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

ЮНУСОБОД БОЗОРИ — (Тошкент вилояти, Киров район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

«САЁҲАТ» МЕҲМОНХОНАСИ ЁНИДА — (Фарғона вилояти, Куйбишев район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

«ЭСКИ ЖЎВА» БОЗОРИ, Бош универсал дўкон ёнида, Навоий кўчасида — (Сирдарё вилояти, Октябрь район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

«ҚОРАҚАМИШ» БОЗОРИ, 1/2 Қорақамиш даҳаси — (Сурхондарё вилояти, Собир Раҳимов район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

«СИРҒАЛИ» БОЗОРИ, 3-Сирғали даҳаси, Савдо маркази — (Қашқадарё вилояти, Сирғали район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

«АСКИЯ» БОЗОРИ, Глинка кўчаси — (Бухоро вилояти, Фрунзе район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

«АВИАСОЗЛАР» БОЗОРИ — (Наманган вилояти, метронинг «Чилонзор», «Ҳамза» бекатлари — (Жиззах вилояти; Чилонзор район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати).

«Ташгорагропром» Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш давлат-кооператив бирлашмаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

30 ИЮЛЬ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи — «ҲАР ХИЛ АКА-УКАЛАР» (Ҳиндфильм, 17.00, 20.00). «КЎР-КЎРОНА ҚОНУН» (Ҳиндфильм, 19.00, кичик зал).

Чайка — «ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ» (17.00, 19.00, 20.45).

Тошсоветнинг 50 йиллиги — «КОММАНДОС» (18.00, 21.00).

Москва — «ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ» (17.00, 19.00, 20.40).

31 ИЮЛЬ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи — «ҲАР ХИЛ АКА-УКАЛАР» (Ҳиндфильм, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00). «КЎР-КЎРОНА ҚОНУН» (Ҳиндфильм, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, кичик зал).

Чайка — «ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ» (11.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45).

Тошсоветнинг 50 йиллиги номли — «ИЛОЖСИЗ НАРСА ЙЎҚ» (9.30). «КОММАНДОС» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

Москва — «ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.40).

ТОШКЕНТ АЭРОВОКЗАЛИНИНГ РЕСТОРАНИГА

(разрядсиз)
шошилинч равишда

ўзбек ва рус тилларини биладиган машинистка ва пол артувчи

КЕРАК

Телефонлар: 91-08-42, 99-83-13.

ШУБҲАСИЗ, ҚАСБНИНГ ЁМОНИ ЙЎҚ АЛБАТТА

БИРОҚ КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?
«АГАР ИШЧИ БЎЛСАМ-ЧИ?»

Жуда яхши! У ҳолда Сиз бемалол Тошкент шаҳридаги

3-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА КЕЛАВЕРИНГ:

бу ерда Сизга қизиқарли ва ноёб касблар ўргатишади. Электр газ пайвандчилар, саноат ускуналари ва автомобилларни таъмирловчи чилангарлар, техника назорати бўлими назоратчилари каби мутахассислар ана шу билим юртида тайёрланади.

Ушбу илм масканига тошкентликлар ҳам, бошқа шаҳарликлар ҳам қабул қилинадилар. 9-синфни битириб, ўқишга келганлар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 10 ой ўқийдилар (ана шу ўқиш вақти узлуксиз меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади).

Билим юртини битирганлар «Ташсельмаш» база корхонасида ва Тошкент шаҳридаги корхоналарда ишлайдилар.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади ва улар Тошкент шаҳрига қайд (прописка) қилинадилар.

11-синфни битирган ўқувчилар 110-116 сўм ҳажмида стипендия оладилар, 9-синфни битирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Барча ўқувчилар ўз қизиқишлари бўйича тўгаракларда ва спорт секцияларида шуғулланишлари мумкин.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар; ариза, маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, турар жойидан маълумотнома.

Манзилимиз: 700050, Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари билимгоҳи» бекати; 21, 49-автобусларнинг «3-ҳунар-техника билим юрти» бекати). Маълумотлар олиш учун телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент метро қурилиш бошқармаси ва

В. И. Ленин номидаги метрополитен қошида очилган
37-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ИГИТ ВА ҚИЗЛАР ТАНЛОВ АСОСИДА ТАЖРИБА (экспериментал) ГУРУҲЛАРИГА ПАРДОЗЛОВЧИ, ПЛИТКА ЁТҚИЗУВЧИ, БУЁҚЧИ ВА СУВОҚЧИ — **ўқиш муддати 2-3 йил.**

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ — **ўқиш муддати 3 йил**

НАЗОРАТ ВА ЎЛЧОВ ЖИҲОЗЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ ЭЛЕКТР-ЧИЛАНГАРЛАР — **ўқиш муддати 3 йил.**

БУЁҚЧИ — **ўқиш муддати 1 йил.**

ДУРАДГОР — **ўқиш муддати 2-3 йил.**

ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВЛАРНИ СОЗЛОВЧИ ЭЛЕКТР-ЧИЛАНГАРЛАР — **ўқиш муддати 3 йил.**

МЕТРО БЕКАТИ НАВБАТЧИСИ — **ўқиш муддати 3 йил.**

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқувчилар ойига 40 сўмдан стипендия, кунига 2 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАГИ ХИЗМАТ БУРЧИНИ ЎТАГАН ИГИТЛАР ВА 17 ЕШДАН ОШГАН ҚИЗЛАР ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР:

ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ — **ўқиш муддати — 6 ой.**

МЕТРО БЕКАТИ НАВБАТЧИСИ — **ўқиш муддати — 10 ой.**

ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВЛАРНИ СОЗЛОВЧИ ЭЛЕКТР-ЧИЛАНГАРЛАР — **ўқиш муддати 10 ой.**

Ўқувчилар ойига 130-150 сўм стипендия ҳамда практика даврида меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар. Ўртача ойлик 350-450 сўм, 13-ойлик ва ҳар ишлаган йилига қараб ойлик ошиб боради.

Метро қурилишида 10 йил ишлаган ишчилар 50 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин.

МАШҒУЛОТЛАР — **ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.**

Билим юртига кирувчилар: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат 3х4, 086/У формадаги медицина справкасини топширадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор, 20/Д даҳа, (50, 69, 78-автобуслар, 17-трамвайнинг «37-билим юрти» бекати). Телефонлар: 76-89-05, 72-03-76.

МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар комитети

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 33-53-83.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

89.968 нусхада чоп этилади. Индекс 64690, Буюртма 5693. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 Босмага бериш вақти 11.30. Босмага берилди.